

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта таълим вазирлиги  
Низомий номидаги Тошкент Давлат  
Педагогика Университети

Руйхатга олинди

№ \_\_\_\_\_  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2007.

“Тасдиклайман”

ЎзР ОЎМТВ  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2007.

**Ўзбекистон тарихи**  
**фанидан амалий машғулотлар бўйича**  
**услубий қўлланма**

Таълим соҳаси: 100 000- таълим  
Билим сахаси: 140 000-ўқитувчилар  
тайёрлаш ва педагогика фани

Тошкент – 2007

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қўлга киритиши тарихимизни тубдан ислоҳ қилиш мавжуд бирламчи манбаларга таянган ҳолда холисона ва хаққоний, адолат ҳамда тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўқитиш имконини берди. Юртимиз фуқаролари Ўзбекистоннинг ҳар қандай мафкурадан холи бўлган ҳамда тахлилларга асосланган ҳаққоний тарихини ўрганиш ва ундан сабоқ олиши давр тақозосига айланди.

Мазкур “Ўзбекистон тарихи” фанидан амалий машғулотлар бўйича методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг маҳсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлар илмий-услубий бирлашмаларининг фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 1-июль мажлиси қарори билан тасдиқланган ва 2004-йил 17-августда тавсия этилган “Ўзбекистон тарихи” фанидан намунавий дастур асосида яратилди.

Муаллифлар ҳар бир мавзуга илова этилган илмий адабиётлар мажмуини таҳлил этган ҳолда тарихимизни ҳаққоний ва холисона яратиш йўлидан бориб уни ўқувчиларга етказишга ҳаракат қиласидар ва тарихимизни янада чуқурроқ ўрганишга ҳамда уни унутмасликка даъват этадилар.

Ушбу услубий қўлланма бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкорликларга аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

Тузувчилар: ф.ф.н. доцент Абдуллаев Б.Н., т.ф.н. доцент Турсунов Р.Х., катта ўқитувчилар Шоёқубов Ш.Ш., Абдиева А.Н., Шарипова Ш.Л., Мўминова Д.Қ., ўқитувчилар Абдуллаев Б.Н., Матёқубов Х.Х.,

Тақризчилар: т.ф.н.доц, Атакўжаев А., т.ф.н.Илхомов З.

Илмий мухаррир:т.ф.н.проф.ЎзР ФА академиги Асқаров А.А.

Ушбу услубий қўлланма Низомий номидаги ТДПУ ўқув-услубий Кенгашининг 2007 йил \_\_\_\_\_ даги\_\_\_\_\_ рақамли қарори билан нашрга тавсия этилган.

## Сўз боши

Маънавий тикланиш, мустамлака ва қарам даврларимизда йўқ бўлиши холига келган қадриятларимиздан барчаси коммунистларнинг ғоявий таъзийки остида тарихимизнинг нотўғри талқин қилишида яққол намоён бўлди. Улуғ аждодларимизнинг жохон цивилизациясига қўшган хиссаларини баралла гапришга, ёзишга, халқимизга етказишга хам имкон берилмасди. Ҳамма нарсада “улуғ миллат”, “оға халқ” дан кейинги ўринда турушимиз талаб қилинарди. Бу ғоявий методологик қолип тарихимизнинг мухум моммоларини ёритишида хам ишга солинар эди. Ана шундай ғоявий қолип бугун сиз кўзда туваётган туркий халқларнинг этник жараёнлари, айниқса ўзбек этногенези масаласи билан биргаликда ўзбек халқи давлатчилиги тарихи, Амур Темур ва темурийлар даври, Чор Рассиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ундан сўнг Советлар даврида бу юритилган қатағонлик каби қатор мухим тарихий муоммолар узоқ вақт нотўғри тушунтирилиб келинди. Аввало илдизлари милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалувчи ўтроқ дехқончилик маданиятидан, шундан буён узлуксиз давом этиб келган тарихимиздан ўзбек халқини бегоналаштиришга уринилди. Бунинг исботи сифатида биргина ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласини келтириш мумкун. Бунда биринчидан, тарихан ўзбек этноними пайдо бўлган ўзбек халқининг пайдо бўлиши деб тушунтирилади.

Туркий халқларни, жумладан, ўзбек халқини хам ўз макони, асл она заминидан айириб, “кўчиб келган”, “бостириб келган” халқ деб кўрсатишга уринилди. Айниқса мана шу нуқтаи назар рус мастамлакачиларнинг бузук ниятлари учун жуда зарур эди. Яъни бу шум ғоя орқали Ўзбек халқини, қолаверса Ўрта Осиёдаги туркий халқларни Эронийзабон халқа хусусан тожик халқига қарама- қарши қўйишга уринилди. Қисман бу қора ниятга эришилди хам.

Вахоланки, археологик тадқиқотлар, манбашунослик изланишлари, этнографик тадқиқотлар хақиқий тарихи манзара бошқача бўлганини исботламоқда. Бу эса мухум илмий хуросаларга олиб келади. Яъни туркий этнос, ўзбек халқи Турон заминининг асл автохтон ахолиси бўлган. Туркий тил эса Эроний (Шарқий Эрон- сүғд, Хоразимий, Бақтар каби) тиллари билан бир қаторда қадимдан бу заминда мавжуд бўлгани исботлаб берилди.

Инкор этиб бўлмайдиган илмий хуросаларни баён этиш даври Мустақиллик туфайли қўлга киритилди. Шу муносабат билан “Ўзбекистон тарихи” фани умумий ўрта таълим мактаблари ва уч йиллик академик лицейлар хамда касб-хунар коллежларида хам ўқитилиши назарда тутиб Олий таълимнинг биринчи босқичибўлган бакалавриятда хам Президентимиз И.А.Каримов асарлари асосида илгари сурилган назарий концептуал Қоялар асосида чуқур илмий асосида қўитилиши кўзда тутилган.

Айниқса 1998 йил 26 июнидан сўнг халқимизнинг маънавий хаётида жумладан, мустақил Ватанимизнинг ўтмиши тарихини ўрганишда янги давр очиб берилди. Юртбошимиз И.А.Каримов йирик тарихчи олимлар ва ижодий зиёлилар билан учрашиб мустақиллик туфайли тарих фани олдида пайдо

бўлган энг долзаб масалаларини давлат ва миллат манфатлари нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиши вазифасини кўйдилар<sup>1</sup>.

Шу муносабати билан 1998 йил 27 июлидан Республика Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих Инситутининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қаторда Ўзбекистон тарихини янги мустақиллик руҳида ўрганиш, ўтмиш тарихимизга холислик билан баҳо бериш ва чуқур илмий хулосаларни халқимизга энг аввало ўсиб келаётган ёш авлодга етказиб бериш вазифаси белгилаб берилган эди.

ЎзР ФА Тарих институти жамоаси томонидан “Ўзбекистон халқ давлатчилиги тарихи” концепцияси ишлаб чиқилди.

Бундан кўзланган мақсад Ватанимизнинг бой ва ранг-баранг тарихини тиклаш, унинг негизида халқимиз, айниқса, ёш авлод тафаккурида хаққоний тарихни идрок этиш хамда, тарихий хотира туйКусини шакллантиришдан иборат бўлди.

Ҳар бир талаба жамият тараққиёти қонунларини яхшироқ тушуниши, мустақил мамлакатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини аниқ англаб этиши учун аввалимбор Ватанимиз тарихининг энг қадимги даврларидан бошлаб хозирги кунгача бўлаётган ўзгаришларни чуқур идрок этиш кўникмасини шакллантириш “Ўзбекистон тарихи” фанининг асосий вазифасига айланди.

Амалий машғулотларда талабалар ўзаро мунозаралар орқали, мухокама қилинаётган мавзу бўйича маъruzalар ва мустақил ишлаш жараённида олган билимларини чуқурлаштирадилар. Бу жараён талабаларда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган услубий кўрсатма вазифасини бажармоғи лозим.

Талабалар амалий машғулотларга тайёргарлик кўрар экан, у аввалимбор адабиётлар билан мустақил ишлаш, биринчи манбалар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар устида мустақил ишлаш яъни “Ақл – заковат билан ишлашга қатъий киришиш”лари лозим. Ўқилиши зарур бўлган адабиёт асосида ўқилган маъruzalарни конспектлаштириш ва улардан амалий машғулотлар фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Талаба ўзи учун ажратилган 7-01 дақиқа вақт ичидаги режа, конспектдан фойдаланган холда мавзуни эркин баён эта олиши керак.

Талаба сўзга чиққанда амалий машғулот режасидаги саволларни хар томонлама ёритишга харакат қилиб, кўриб чиқилаётган масалаларни хозирги замон воқелиги билан узвий боғлиқ ола билиши, билим ва тушунчасини чуқурлаштиришга харакат қилиш лозим.

Ҳар бир талабанинг кундалик ўзлаштириш даражаси педагог томонидан белгиланган рейтинг шкаласи асосида балл билан аттестация қилинганда хисобга олинди. Амалий машғулотнинг бирон мавзусини ўзлаштирмаган талабалар қисқа вақт ичидаги мавзу бўйича конспектини гурухда амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчига топшириши лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Ўзбекистон тарихи. 1999 й №1, Т. ЎзР ФА “Фан”, 3-14 б.

Узрли сабаб билан бирон машғулотга кела олмаган, шунингдек семестр давомида семинарларда аттестация қилинмаган талабалар ўз қарзларидан қутулмагунларча “Ўзбекистон тарихи” дан якуний аттестацияга қўйилмайдилар.

Ушбу услубий қўлланма Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тайёрланган намунавий дастур асосида университет ўқув режасига биноан “Ўзбекистон тарихи” фани бўйича ажратилган 114 соат машғулот, шу жумладан, 38 соат маъруза, 38 соат амалий машғулот хамда 38 соат талабаларнинг мустақил ишлашлари учун ажратилган юклама асосида тайёрланади.

Қўлланмада амалий машғулотлар мавзуси, режаси ва уни ёритиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати хамда режада кўрсатилган хар бир саволга алоҳида услубий тавсиялар берилди. Шунингдек талабаларнинг мустақил ишлашлари учун мавзу режалари хамда қўшимча адабиётлар тавсия этилди.

Қўлланма Университетнинг тарих факулъетидан ташқари барча факулъетлар бакалаврият йўналиши бўйича ўқиётган талабаларга ва ёш ўқувчиларга мўжалланган.

### **1-мавзу. “Авесто” китоби Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба.**

Режа:

1. “Авесто” пайдо бўлган худуд хақида мунозаралар.
2. “Авесто” да қадимги аждодларимиз бошқарув тизими, ижтимоий турмуши ва маданий ҳаётига оид маълумотлар.
3. “Авесто” да зардуштийлик дини тамойиллари ва қонун қоидаларининг асослаб берилиши.
4. “Авесто” нинг Ўрта Осиё ва бошқа худудлар бўйлаб тарқалиши ва унинг қадимги халқлар маънавий ҳаётига таъсири.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т. “Ўзбекистон” 1998.
2. “Авесто” китоби тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи мавзуидаги илмий-амалий семинар материаллари. Т. 2000.
3. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. (Энг қадимги даврлардан эрамизнинг V асригача). Т. “Ўқитувчи”, 1994, 103-115 б.
4. Ахмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т. “Ўқитувчи”, 1990.
5. Ватан туйғуси. Т, “Ўзбекистон” 1996.
6. Жўраев У, Сайджонов И. Дунё динлари тарихи. Т. “Шарқ”. 1998, 65-67 б.
7. Исҳоқов М.М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. Т. 2001.

8. Норқулов Н. Аждодларимиз оташпарат бўлганми? “Жамият ва бошқарув” журнали, 1998, 3- сон.
9. Саъдулаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т. “Ўқитувчи” 1996.
10. Сулаймонов Р.Х. Исҳоқов М.М. Зардуштнинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар. “Ўзбекистон тарихи” журнали. №1 1999. “ЎзРФА”, “ФАН”. 45-53 б.

“Авесто” пайдо бўлган худуд хақида мунозаралар.

Маъруза материаллари ва адабиётлардан фойдаланган холда зардуштийларнинг муқаддас китоби бўлган “Авесто” вужудга келтирган тарихий вазиятни таърифлаб беринг. Бунинг учун сиз адабиётлар рўйхатида кўрсатилган манбалар асосида Заратуштранинг Ватан қаерлар эканлигини аниқланг ва бу хақда “Авесто” ва юон муаллифларининг хабарларида эслатилганидек Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон худудларида Ахмонийлар империяси таркиб топгунга қадар қандайдир давлат тузими бўлганлиги, бу давлат тузулмаси харбий демократик типдаги қабилалар иттифоқидан ўсиб чиқсан қадимги давлат эканлигини аниқланг.

Йирик хоразмшунос олим С.П.Толстовнинг ҳамда Евropa олимлари В.Хеннинг ва И.Гершовичларнинг археологик ва тарихий географик маълумотлари асосида “Авесто” да эслатилган Зардуштнинг ватани Арианам Вайжо бўлганлиги, уни қайси вилоятлар билан локализация қилиш мумкинлиги тўғрисида маълумотларни келтиринг, Дайтия дарёси бу Амударё эканлигини биласизми?

Сиз “Авесто” китоби билан танишиб чиқар экансиз, Аръянам Вайжодан бошқа яна қайси вилоятлар санаб ўтилгани, Ўрта Осиёнинг аксарият қисми шу вилоятлар таркибига кирганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

“Авесто” да қадимги аждодларимиз бошқарув тизими, ижтимоий турмуши ва маданий ҳаётига оид маълумотлар.

Бу саволга жавобни асослаш учун маъруза матинларига мурожат қилиш ва кўрсатилган адабиётларнинг Зардушт ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазаларга тегишли қисмларини ўқиб чиқиши керак.

Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон худудларида Ахмонийлар салтанати ташкил топгунга қадар давлат тузуми бўлганлиги хақида дастлабки маълумотларни берганда, Ватанимиздаги қайси дастлабки давлат назарда тутилган эди. (Сополли маданиятининг Жўркўтон босқичи- илк шахар типидаги давлат).

Дастлабки харбий-демократик давлат конфедерациялари бошқарув тизими ижтимоий, диний турмуш ва маданий ҳаётига оид маълумотларни аниқланг.

Қадимги Бақтрия подшолиги хақида юнонистонлик табиб Ктесий ва тарих фанининг отаси Герадот маълумотларида бу хақида қандай маълумотлар берилганлигини кўриб чиқинг. Ватанимизда “Авесто”

китобининг 2700 йиллик юбилейи ўтказилиши хақида ўз фикрингизни баён этинг.

“Авесто” да зардустийлик дини тамойиллари ва қонун қоидаларининг асослаб берилиши.

Конспектда Оташпаратлик динининг яратилиши даври тарихи шартшароитини очиб бериш, бу динга қадар ибтидоий аждодларимиз турли қабилавий диний тасаввурларга амал қилиб яшаганлигини аникланг. Зардуст диний қарашлари, хам ана шу кўп диний қарашларнинг бири сифатида илдизлари қадим замонларига бориб тақалишини англаш даркор.

Зардустнинг тарихий шахс бўлиб маҳаллий қабилавий динлардан бири бўлган оташпаратлик динининг рохиби эканлиги, у бундан 2700 йил аввал яшаганлигини кўрсатиб, бу даврда уруғчилик жамиятнинг емирилиши, патриархал оиласи тизимнинг таркиб топиши, меҳнат тақсимотининг такомиллашиб бориши, бу эса айрим шахслар қўлида ортиқча бойликнинг пайдо бўлиши ўз навбатида синфий жамиятнинг пайдо бўлишига олиб келган давр бўлганлигини кўрсатинг.

Кўп худолик жамият тараққиётининг янги босқичига тўсқинлик қилувчи омил бўла бошлаганлигига, Зардуст олға сурган таълимот сак қабилаларро низоларга барҳам берувчи ва тотувликка элтгувчи ғоя сифатида вужудга келиши тарихий зарурат бўлганлигига эътибор қаратинг.

Худолар ва ёмон рухлар тўҚрисида ва афсоналар ўрнига вужудга келган дастлабки диний таълимот бўлган Зардустийлик Ўрта Осиёда пайдо бўлганлигини исботланг.

Унда бутун коинот икки подшоликка ажратилиб, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги доимий кураш натижасида нур подшолиги яъни яхшилик ғолиб келиб бутун оламни роҳат фароғатга олиб келиши куйланишини билиб олинг.

Барча ўлик нарсалар нопок ҳисобланиб, бунга кўра ўликларни кўммай (бу мумкун бўлмаган) уларни маҳсус жойда сақлаб суюклар этдан тозалангандан сўнг алоҳида идиш-ассуарийларда даҳмага қўйилган. Бу одат ҳозирга қадар Хиндистондаги Гуджарат ва Бомбейда сақланиб қолинганини эсда тутинг.

Ер сув, хаво, олов муқаддас ҳисобланиб, ариқлардаги сув экин тикин ва ичиш учунгина ишлатиб, уни ифлос қилиш, “харом” қилиш, унга тупуриш, ҳайвонларни киритиш ман қилинган.

Зардуст таълимотида Ахурамаздага содик қуш Семурғ-Хумо юқори қадрланганлиги, уни барча байроқларда мардлик ва зафар рамзи сифатида тасвирланганлигини, у бизнинг мустақил давлатимизнинг байроҚида ҳам акс этганлигини кўрсатиб беринг.

Ахурамазда пировард натижада ғалаба қозониб, барча нопок нарсалардан ҳоли бўлган ерда эзгулик ҳаёт қарор топадиган, умумий баҳт саодат ва мутлоқ, поклик, роҳат фароғат замони келиши куйланиши ҳис этинг. Шу йўлда ҳаммани яхшилик учун курашга, бир динга бўйсуниши, бирлашишни тарғиб қилувчи буюк бир таълимот эканлигини билиб олинг.

“Авесто” нинг Ўрта Осиё ва бошқа худудлар бўйлаб тарқалиши ва унинг қадимги халқлар маънавий хаётига таъсири.

Бу масалага тайёргарлик кўрганда “Авесто” ва унинг Видевдат китобида қадимги Турон ўлкаси ва Эроннинг ўзига хос тарихий географияси баён этилганлиги, бунга кўра зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто” ватани дастлаб Ўрта Осиё жумладан Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна, Марғиёна эканлигини археологик манбалар асосида исботланг.

Зардушт туилган юрт таърифини келтиринг.

“Авесто” ҳакида буюк олим Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асрида ёзиб қолдирган маълумотларда нималар дейилган?

“Авесто” нинг тарқалиши, кўп худолик дини қарашларига бархам бериб, унинг қадимги халқлар маънавий хаётига улкан таъсири Туронзаминдан, хусусан Хоразм ва Суғдиёнадан бошланиб то жануб ва жанубий ғарб томонга тарқалган Зардушт дини тарғиботининг босиб ўтган йўлини кўрсатинг.

“Авесто” нинг ватани бўлган Ўрта Осиё худудидаги воҳа ахолиси Суғдийлар, Хоразмийлар, Бақтрияликлар, Фаргоналиклар, Чочликлар номи билан юритилиб, улар яшаган ҳудудларни ўраб турган дашт ахолиси умумий ном билан Саклар деб номланиб, улар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. “Авесто” да чорвадор аҳолини Турлар деб уларнинг юртини Турон деб юритилган. Бронза давридан охирларидан бу заминга туркийзабон халқлар яшаб келганлигини археологик манбалар асосида баён этинг.

Зардуштийлик Турон замин халқларини ҳалол меҳнатга ундарди. Дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш, ҳайвон боласини ўз боласидек тарбиялаш ва шу йўсунда фидоийлик қилиш одамларга хос инсоний фазилат эканлиги уқтирилади. Ер, сув, ҳаво, олов инсон учун шу қадар зарур нарсаларки, буларни исроф қилиш Зардуштийлик анъаналарига кўра жуда катта гуноҳ эканлигини кўрсатинг.

“Авесто” ҳар бир инсон ўзи яратган ноз-неъмат ҳисобига яшашга одатланмоғи даркор деб уқтиради. Бу умуминсоний қадриятлар Ўрта Осиё халқларининг қон-қонига сингиб кетганлигини исботланг.

## **2-мавзу. Ўзбек халқининг этник шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичлари.**

Режа:

1. Ўзбек халқининг пайдо бўлиши масалалари. Ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган Ватанимиз ҳудудидаги қадимги аҳоли, уларнинг ижтимоий маданий хаёти.
2. Ўзбек халқининг этник шаклланиши мухим роль ўйнаган туркий қавмлар ва элатлар.

3. Ўзбек халқи этник номининг шаклланишида XVI аср бошларида Мовароуннахрга келиб жойлашган ўзбек уруғларининг таъсири. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши ва кенг ёйилиши.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Ўзбекистон” 1998.
2. Абдулгози Баҳодирхон. Шажараи Турк. Т. “Чўлпон” 1995.
3. Асқаров А.А. “Ўзбекистон қандай келиб чиқсан?”, “Фан ва турмуш”. №3. № 4. 1985.
4. Ахмедов Б. Ўзбекистоннинг келиб чиқиши тарихи. Т. 1962.
5. Жабборов И. Ўзбек халқининг этнографияси. Т. 1993.
6. Заки Валидий. Ўзбек уруғлари. Т. 1992.
7. Хасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Т. “Чўлпон”. 1994.
8. Ходжаев Т.К. Ходжаева Г. Ўзбек халқининг этник тарихидан. Т. Университет. 1995.
9. Шонёзов Қ.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Т. 2001.
10. Якубовский Ю.А. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. Т. “Фан” 1941.

Ўзбек халқининг пайдо бўлиши масалалари. Ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган Ватанимиз ҳудудидаги қадимги аҳоли, уларнинг ижтимоий маданий ҳаёти.

Маъруза матнлари ва кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда қабила, элат, халқ, миллат тушунчаларини изоҳланг. Бу тушунчаларнинг бир биридан фарқи нимада эканлигини аниқланг.

Уруғ жамосининг вужудга келиши сабаблари, уруғчиликнинг матриархат ва патриархат босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беринг.

Бир бирига иқтисодий ва этно-маданий жиҳатдан яқин қабилаларнинг ўюшуви натижасида вужудга келган жамоага элат деб аталиши ва бу ҳодиса кишиларнинг тил, территория, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган халқ бўлганлигини илмий исбот қилинг.

Милоддан олдинги минг йилликларда ва милоднинг дастлабки асрларида Ўрта Осиё минтақасида истиқомат қиласан ўтроқ зироаткор қабила ва элатлар (Хоразмийлар, Суғдийлар, Бақтрияликлар, Чочликлар, Марғиёналиклар) ва қўчмачи чорвадор қабилалар (Сак- массагетлар)нинг территориал жойлашуви ҳамда уларнинг қўшни ҳудудлардаги қабила элатлар билан этник ассимиляция жараёнларини тахлил қилинг.

Ўзбек халқининг этник шаклланиши мухим роль ўйнаган туркий қавмлар ва элатлар.

Ю.А.Якубовский, С.П.Толстов ва бошқа олимларнинг Ўзбекистон ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлари ва ёзма манбалар асосида туркий қавмлар ва элатларнинг кейинчалик ўзбек халқининг

шаклланиши жараёнини аниқланг.

Ўрта Осиёда дастлабки туркий этноснинг тарқалиши бронза даврига оид эканлигини асосланг. Туркий миграциянинг иккинчи (Юэчжи ва Хуннларнинг кириб келиши), учинчи (Хионийлар, Кидарийлар, Эфталийлар келиши) ва тўртинчи босқичларининг (Буюк Турк ҳоқонлиги даври) тарихи ахамиятини ёритинг.

IX асрнинг 40-йилларда Шарқий Туркистон ва Еттисув худудларида Қарлуқлар давлатининг ташкил топиши ва X аср ўрталарида Қарлуқлар давлатининг давоми сифатида вужудга келган Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши туркий миграциянинг бешинчи босқичини бошлаб беради. Натижада ўзбек халқининг туркий асоси бутунлай шаклланиб X аср охири XI аср давомида ҳар жиҳатдан халқ сифатида шаклланганлигини баён қилинг.

Ўзбек халқи этник номининг шаклланишида XVI аср бошларида Мовароуннахрга келиб жойлашган ўзбек уруғларининг таъсири.

“Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши ва кенг ёйилиши.

Ўзбек этномининг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисидаги олимларнинг турли фикрларини аниқланг.

Олимларнинг бир гурӯҳ ўзбек этнонимининг келиб чиқишини Ўзбекхон (1312-1342) номи билан боғлайдилар. Иккинчи гурӯҳ олимлар Узбек атамаси Даشت Қипчоқнинг шарқий қисмида вужудга келди ва бу ерда яшовчи турк- мўғул қабилаларга нисбатан қўлланилаган деб ҳисоблайдилар. Учинчи гурӯҳ тадқиқотчилари Даشت Қипчоқ ахолиси учун умумий ном сифатида ўзбек атамаси XIII аср сўнгги чорагида яъни Ўзбекхондан илгари вужудга келган деб таъкидлайдилар.

Мовароуннахрга XVI аср бошларида Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбекларнинг кириб келиши ва бу ерда сиёсий ҳокимиятни эгаллашлари натижасида бу худудлар ахолисига ўзбек номининг берилиши ҳозирги ўзбек халқи XVI асрда шаклланган деган нотўғри холосага бормасликка диққатни қаратинг. Чунки ўзининг этник қиёфасини IX-XI асрлардаёқ олган бугунги ўзбек халқи XVI асрда фақат этнонимни яъни, халқ номини олган холос.

Шўролар даврида Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги тарихий маданий-маънавий бирликка рахна солиш учун ўйлаб чиқилган “Пантуркизм”, “Панисломизм” уйдирмаларининг тарихий талқинини ёритинг.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан “Туркистон умумий уйимиз” номи остида юритилаётган сиёсатнинг моҳияти ва мазмунини тушунтириб беринг.

### **3- мавзу. Ватанимиз ҳудудида вужудга келган дастлабки давлатлар.**

**Режа:**

1. Давлатчилик тушунчаси, илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари. “Катта Хоразм” ва “Қадимги Бақтрия подшолиги”.
2. Ўрта Осиёда андик давр давлатлари. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.
3. Кушонлар салтанати ва унинг Ватанимиз халқлари тарихида тутган алоҳида ўрни.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т, 1998.
2. Абдухолиқ Абдурасул ўғли. “Юэчжи” атамаси хақида.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. “Шарқ” 2000.
4. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. (Энг қадимги даврлардан милоднинг V асригача). Т, “Ўқитувчи” 1994.
5. Ахмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т. 1990.
6. Пидаев М. Сирли Кушон салтанати. Т. “Фан” 1990.
7. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т. “Ўзбекистон” 1997.
8. Шониёзов К. Қанғ давлати ва Қанғликлар. Т. “Фан”. 1990.
9. Қилчев Т. Қўхна қалъалар диёри. Т. “Фан” 1993.
10. Қурдатов С. Марказий Осиё ҳудудларидағи илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар. “Ўзбекистон тарихи” №4, 1999, ЎзРФА, “Фан”.
11. Ғуломов Я. Қадимги маданиятимиз илдизларидан Т. “Фан”. 1960.
12. Эшов Б. Суғдиёна тарихидан лавҳалар. Т. 2002.

Давлатчилик тушунчаси, илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари.  
“Катта Хоразм” ва “Қадимги Бақтрия подшолиги”.

Маъруза ва кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган холда давлатчилик тушунчасига таъриф беринг.

Давлатчилик пайдо бўлиши моҳияти ва унинг жамиятдаги роли хақидағи гояни очиб беринг.

“Авесто” манбаси орқали Ахмонийлар салтанатига қадар Ўрта Осиёда давлат тузулмалари бўлганлигини исботловчи қандай далилларни кўрсата оласиз. Бу масалани исботлаш учун хоразмшунос олим С.П.Толстов асарлари ва бошқа археологик тадқиқот ишлари хulosаларига таяниб якуний фикр чиқариш керак.

Ўрта Осиёга Эрон Ахмонийлар сулоласи ва Искандар Зулқарнайнинг истилочилик юришлари ва уларга қарши халқ қаҳрамонлик курашларини Абу Райхон Беруний ва қадимги юнон-рим тарихчилари берган маълумотларига асосланиб тарихий хulosалар чиқаринг.

Ўрта Осиёда андик давр давлатлари. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Милоддан аввалги III асрнинг Ўрталарига келганда Салавкийлар салтанатининг Ўрта Осиёдаги мавқеи тушуб кетиши сабаблари нимада эди? Бу саволга жавоб бериш учун сиз аждодларимизнинг юон-македониялик босқичларига қарши олиб борган қурашларини маъруза ва адабиётлардан фойдаланган ҳолда очиб беришингиз керак.

Юон- Бақтрия давлати қудрати қайси даврда кучайиб, нима сабабдан инқирозга учраганлигини аниқланг. Юон-Бақтрия шарқнинг йирик давлати сифатида 120 йилдан ортиқ вақт яшаши даврида унинг иқтисодиёти, маданияти равнақи нима билан изохланади?

Кейинги 30-40 йил ичидаги бу даврга оид қандай ёдгорликлар очиб ўрганилган. Бу ҳақда сиз Бақтрия Суғдиёна, Марғиёна территорияларида топиб ўрганилган ёдгорликларни санаб ўting. Юон-Бақтрия давлати билан бир вақтда вужудга келган Парфия (Аршакийлар) давлатининг фаолияти ҳақида маълумот беринг.

Сирдарёнинг ўрта оқимларида ҳозирги Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Жанубий Қозоғистон ерларида яшовчи қадимги шак қабилаларининг Македониялик Искандар ва кейинчалик Салавкийларга қарши қурашлари натижасида милоддан аввалги III асрда Қанғ давлатининг ташкил топиши, бу заминда яшовчи қадимги суғдий тилда сўзлашувчи туб ерда халқлар билан туркий тилда сўзлашувчи қабилаларнинг яқинлашишлари оқибатида кейинчалик вужудга келган янги этнос “қанғар элати”, уларнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрнини кўрсатинг.

Қадимги Фарғона (Довон) подишолиги ҳақида дастлабки маълумотлар ва археологик тадқиқотлар натижалари нималардан иборат эканлигини аниқланг.

Кушонлар салтанати ва унинг Ватанимиз халқлари тарихида  
тутган алоҳида ўрни.

Бу саволга жавобни Ўзбекистон тарихи (А.Асқаров. 184-191 бетлар) дарслиги ва адабиётлар рўйхатида кўрсатилган асарлардан топасиз.

Бунда Кушон давлати ташкил топгунига қадар мавжуд бўлган вазиятни аниқлаб, Юэҷжи қабилаларининг Бақтрия территорияларига бостириб келиш сабабларини аниқланг. Гуйшуан (Кушон) қабиласининг бошлиғи Кудзулла Кадфиз янги давлат ҳукумдорига айланиши жараёнини аниқланг.

Унинг дастлабки пойтахти Далварзинтепадан топилган ашёвий далиллар, Афғонистон ва Ҳиндистонга қадар чўзилган ҳудудлар босиб олингач пойтахтнинг Пешоворга кўчирилишига оид маълумотларни келтиринг.

Кушонлар даврида Ўрта Осиё Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон халқлари тарихидагина эмас, балки бутун дунё маданиятининг тараққиётида алоҳида ўрин тутганлигини кўрсатинг.

Кушон даврида қадимги Ўрта Осиё унинг иқтисодиёти, маданияти, санъати ривож топиб, санъат ва маданиятда шарқий, эллинча, хиндча ва кўчманчи анъаналари қоришмаси асосида янги кушон йўналиши таркиб топиш жараёнларини аниқланг.

Бу давр мамлакатлар ўртасида олиб борилган савдо алоқалари Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини мисоллар билан исботлаб беринг.

Ўрта Осиёда зардуштийлик дини билан бирга буддизмнинг ёйилиши масалаларини аниқлаб беринг. Буддизмнинг давлати динига айланиши. Қоратепа, Фаёзтепа, Айритом ва Далварзинтепада будда ибодатхоналари вужудга келганлигига алоҳида эътибор беринг.

#### **4-мавзу. Буюк Ипак йўли ва ҳозирги замон.**

Режа:

1. Энг қадимги йўллар. Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Амир Темур ва Темурийлар даврида Буюк Ипак йўли шухратининг янада ортиши.
3. XVI асрдан Буюк Ипак йўли аҳамиятининг пасайши ва унинг сабаблари.
4. Ҳозирги даврда Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришборасидаги Халқаро ҳамкорлик ҳаракатида Ўзбекистоннинг иштироки.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Савдо уйидан ипак йўлини тиклаш сари. Асарлар 2-жилд. Т. 1996. 366-368 б.
2. Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврдан эрамизнинг V асргача). Т. 1994.
3. Ипак йўли афсоналари. Т.1993.
4. Радкевич В.А. Великий шелковый путь. М. 1990.
5. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Т. 1990.

Энг қадимги йўллар. Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Буюк Ипак йўлидан олдин мавжуд бўлган қадимий халқаро савдо йўлларига батафсил тўхталинг.

Бу масала Буюк Ипак йўлининг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи, минтақаларида яшаган уруғ жамоалари, қабилалар, элатлар, халқлар ва ниҳоят уларни худудий, иқтисодий ва сиёсий бирлаштирган мамлакатлар ўртасида доимо алоқаларнинг ҳаётий зарурлигини кўрсатиб беринг.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Буюк Ипак йўли шуҳратининг янада ортиши.

Мўғуллар босқини даврида Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиё минтақасини четлаб ўтиши сабаблари нимада эканлигини аниқланг.

Нима учун Амир Темур Европа, Ўрта Осиё ва узоқ Шарқ мамлакатлари орқали ўтадиган жаҳон савдо йўллари хукмронлик қилишни мақсад қилиб қўйганлигини аниқланг.

Амир Темур Олтин Ўрда орқали ўтган шимолий карvon йўлини Ўрта Осиё шаҳарларига бу урушдан нима мақсад қўзлаганини очиб беринг. Савдо карvonларнинг Осиё шаҳарлари орқали ўтиши учун яратилган шароитни исботланг.

### XVI асрдан Буюк Ипак йўли аҳамиятининг пасайши ва унинг сабаблари.

Маъруза ва кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган холда Буюк Ипак йўлининг тарихий ривожланишига тўсиқ бўлган зиддиятлар, хусусан айрим даврларда давлатлараро урушлар ва ички зиддиятларнинг савдо йўли кейинги тақдирга ўтказган таъсирини шарҳланг. XV-XVI асрларда бошланган Буюк географик кашфиётлар натижасида денгиз йўлларининг очилиши оқибатида Буюк Ипак йўли мавқеининг пасайишига олиб келган тарихий омилларни тушунтиринг.

Ҳозирги даврда Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш борасидаги Халқаро ҳамкорлик харакатида Ўзбекистоннинг иштироки.

Ҳозирги замонда дунёни турли минтақаларида “Буюк Ипак йўли” нинг инсоният тарихида инсонпарварлик, ўлка ва юртларни яқинлаштириш, маданиятни уйғунлаштиришдаги тирихий хизматларни тан олинаётганлигини исботланг.

XX аср охирларида дунёдаги турли мамлакатларда Ипак йўли тарихига қизиқиши ортиб боришини сабабларини очиб беринг.

ЮНЕСКО раҳнамолигида “Буюк Ипак йўли” дастурининг тузилиши, унинг вазифалари ҳамда бу дастурни амалга оширишда Ўрта Осиё давлатларининг, шу жумладан Мустақил Ўзбекистоннинг фаол қатнашиши тўғрисида нималарни мисол келтириш мумкун? Бу масалани ёритишда И.А.Каримовнинг “Савдо йўлида Ипак Йўлини тиклаш сари” асаридан фойдаланинг.

### **5-мавзу. Марказий Осиё ҳалқларининг IX-XII асрлар даври маданияти.**

Режа:

1. IX-XII асрларида Ўрта Осиё ҳалқлари моддий ва маънавий маданиятининг юксалишига таъсир кўрсатган тарихий шарт – шароитлар ва асосий омиллар.

2. Илм-фан равнақи. Ўрта Осиё алломаларининг жаҳон цивилизацияси ҳазинасига қўшган бебаҳо ҳиссаси.
3. Бадиий адабиётнинг ривож топиши. Эски ўзбек (туркий) адабиёт ривожига катта хисса қўшган Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий ва бошқалар.
4. Ўрта Осиё ҳудудида ислом маданиятининг таркиб топиши. Буюк ҳадисшунос олимлар (Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва бошқалар).

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. 1994.
2. Абдуҳамидов Б. Ўрта Осиё алломалари БоҚодода. “Ўзбекистон тарихи” журнали. ЎзРФА. “Фан”. №4. 1999.33-39 б.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т. 1993.
4. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т. “Ўзбекистон” 1994.
5. Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ва илмлар таснифи тарихидан. Т. “Ўзбекистон”, 1995
6. Буюк сиймолар, алломалар. (1-китоб). Т. “Мерос”, 1995
7. Буюк сиймолар, алломалар. (2-китоб). Т. “Мерос”, 1996
8. Йулдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро. 1993
9. Йулдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро. 1993.
10. Имом ал-Бухорий ҳаёти. Т. “Шарқ”, 1998.
11. Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар.) Т. 1999
12. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т. “Адолат”, 1997.
13. Уватов У. Донолардан сабоқлар. Т. “Абдулла Қодирий”, 1994
14. Уватов У. Муҳаддислар имоми Т. “Маънавият”, 1998
15. Ўрта Осиё ҳалқлари хурфикирлиги тарихидан. Т. “Фан”, 1990. 54-194 б.

IX-XII асрларида Ўрта Осиё ҳалқлари моддий ва маънавий маданиятининг юксалишига таъсир қўрсатган тарихий шарт – шароитлар ва асосий омиллар.

Бу режа мавзунини ёритиш жараёнида сиз IX-XII асрларда Ўрта Осиё ҳалқларининг моддий ва маънавий маданиятининг юксалишига таъсир курсатган тарихий шарт шароитлар ва асосий омиллар моҳиятини аниқланг.

Конспектда араблар истилосидан сўнг Мовароуннахрда ислом динининг тарқалиши, ислом урф-одатларининг маҳаллий удумлар билан уйғунлашуви жараёнини акс эттиринг

Кучли марказлашган давлат тузишда, исломнинг жаҳон динларидан бирига айланишида “Куръони карим” нинг ўрни ва ролини очиб беринг. Бунда араблар Ўрта Осиёни истило қилганидан сўнг бу ерда ўзларига қараганда анча юқори даражада турган моддий ва маънавий маданиятга, юқори турмуш даражасига дуч келганлиги сабабли маҳаллий

халқларнинг илғор маданияти, урф-одатлари, анъаналарини қабул қилгани ва маҳаллий халқлар билан сингиб кетганлигини тушунтиринг.

Исломнинг муқаддас китоби “Қуръон” ва уни одамларни хурлик, озодлик, тенглик, яхшилик, саҳийлик ҳамда биродарлик, қардошликка даъват этувчи ғоялар Ўрта Осиё халқларининг онги ва шуурига ҳам аста-секин сингиб бориши ҳамда ислом қадриятлари халқ маънавий ҳаётининг узвий қисми сифатида унинг турмуш тарзидан, ҳатти-ҳаракатларидан муносиб ўрин олиб боришини очиб беринг.

Араблар истилосидан кейин Ўрта Осиёда феодал муносабатларнинг равнақи. Синфий зиддиятларнинг кучайиб бориши натижасида йирик феодаллар мавқеи кучайиши ва халифаликдан мустақил сулолалар (Тохирийлар Сомонийлар) нинг ҳокимият тепасига келишини кўрсатинг.

**Илм-фан равнақи. Ўрта Осиё алломаларининг жаҳон цивилизацияси  
ҳазинасига қўшган бебаҳо ҳиссаси.**

Мустақил давлатларининг ташкил топиши сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонлик маданий хаётнинг равнақига, фан қашфиётларининг яратилишига имкон берганлигига эътибор қаратинг.

Ўрта Осиёда IX-XII асрлар мобайнида фан ва маданият бобида эришилган улкан ютуқлар фан қашфиётлари ва тадқиқотларини қайд этган ҳолда ўтмиш аждодларимиз жаҳон цивилизацияси ҳазинасига қўшган бебаҳо ҳиссаларини исботлаб беринг. Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразимий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Муҳаммад Наршаҳий, Абдулқосим Фирдавсий, Рудакий сингари даҳо сиймоларнинг ўлмас ижодлари неча асрлардан Шарқ ва Ғарб маълум ва машҳур бўлиб келаётганлиги ҳозирги авлодлар учун ҳам ғоятда улкан моддий ва маънавий озуқа бориши ҳақида маълумот беринг.

**Бадиий адабиётнинг ривож топиши. Эски ўзбек (туркий) адабиёт  
ривожига катта хисса қўшган Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб,  
Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий ва бошқалар.**

Ўрганилаётган даврда илм-фаннынг равнақи билан бирга маҳалий аҳолининг маънавий ҳаётида ўз она тилида, унда ёзилган тарихий ва адабий асарларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бориши араб тилида чиқарилган асарлар билан бир қаторда форс-тожик, туркий тилларда чиқарилган асарлар вужудга кела бошлаш сабабларига эътибор қаратинг.

Мовароуннаҳр, Шош, Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистонда туркий халқларнинг қадимги давом этиб келаётган оғзаки адабиёти билан бир қаторда, ёзма адабиётининг юзага келганлигини акс эттиринг.

Бу борада Юсув Хос Хожибининг “Қутадуғу билиг” асари мазмунини тахлил қилинг. Шоир мутафаккирлардан Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакий ва хатто Алишер Навоийларнинг туркий тилда ижод қилишларининг сабабларини кўрсатинг.

Бу даврда туркий адабий тиллар, хусусан, эски ўзбек ва уйғур тилларининг вужудга келишида ҳам муҳим босқия бўлганлигини алоҳида

кўрсатинг. Туркий тилларнинг қоришиб ўғзу, чигил, қипчоқ, уйғур тили гуруҳлари юзага келганлигини қайд қилиб ўтинг.

Қарлуқ -Чигил тиллари гегизида эса ўзбек адабий тили вужудга келганлиги туркий тилларнинг равнақида маҳаллий ахоли ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларнинг хамда ёзма адабиётларнинг ролини кўрсатиб ўтинг.

**Ўрта Осиё ҳудудида ислом маданиятининг таркиб топиши.**

Буюк ҳадисшунос олимлар (Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва бошқалар).

Бу масала бўйича семинарга тайёргарлик қўрганда тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланган ҳолда XI-XII асрлар маданий ҳаётида ислом дини муҳум роль ўйнаганлигини ва бу даврда ислом дини жаҳон дини даражасига кўтарилиганини конспектда алоҳида кўрсатинг.

Нима сабабдан ислом дини араб тили ва ёзувининг зўрлаб киритилишига қарамай бу ерда (араблардан ҳам яхшироқ) ислом динини, араб ёзувини тез ўзлаштириб олди? Ислом таълимоти ва ислом ҳуқуқшунослигининг ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиздан имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Мотурудий, Бурхониддин марғиноний каби ақоид уламоларнинг ижодларини алоҳида кўрсатинг.

Самонийлар, Қораҳонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида илм аҳли ва ислом таълимотига эътибор ва ҳомийликнинг кучайишини.

## **6-мавзу. Амур Темур. Ўзбек давлатчилигининг юксалиши.**

**Темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.**

Режа:

1. XIV – асрнинг иккинчи ярим ва XV асрда Мавароуннаҳр ва Хурсонда моддий маданият равнақи.
2. Темурийлар даврида илм-фан. Улугбекнинг илмий мактаби.
3. Ҳаттотлик, тасвирий саъат ва мусиқа маданияти.
4. Бадиий адабиёт. Алишер Навоий ижодий мероси.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Амур Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар З-жилд. Т. “Ўзбекистон” 1996.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. Асарлар. З-жилд. 1996.
3. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Т. 1998.
4. Абдурахмонов А. Улугбек академияси. Т. Қомуслар бош таҳририяти.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т. “Ўзбекистон” 1994.
6. Зайниддин Восифий. Бадое ул вақое. Т. “Ғафур Ғулом”, 1979.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. “Фан” 1982.

8. Мухаммаджанов А. Амур Темур ва Темурийлар даври. Т. “Фан” 1991.
9. Мўминов И.М. Амур Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т. “Фан” 1993.
10. Навоий замондошлари хотирасида. Т. “Адабиёт ва санъат”, 1985.
11. Норқулов Н. Камолиддин Беҳзод. Т. “Фан”, 1964.
12. Носиров А. Али Қушчи. Т. 1964.
13. Шарафиддин Али. Яздий. Зафарнома. Т. “Шарқ”, 1997.

**XIV – асрнинг иккинчи ярим ва XV асрда Мавароуннахр ва Хурисонда  
моддий маданият равнақи.**

Мўғул хукумронлиги даврида Мовароуннахр халқининг иқтисодий аҳволи оғирлашиб қолганлиги, тўхтовсиз урушлар дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик ишлари издан чиқиб, аҳолининг турмуш даражаси оқирлашиб қолганлигини исботланг.

Амур Темур тамонидан марказлашган давлат барпо этилгач, моддий маданиятнинг равнақи учун барча тадбирларнинг амалга оширилганлигига эътибор беринг. Мовароуннахр ва Хурисонда ободонлаштиришга қаратилган тадбир ҳақида, қурулган улкан иншоатлар ҳақида сўз юритинг.

Маъруза материаллари, дарсликнинг кўрсатилган бўлимларини конспект қилаётган вақтда Темур ва Темурийлар даврида моддий маданият равнақи учун амалга оширилган тадбирлар, бунда Мовароуннахр ва Хурисонда мустакил давлатнинг келажак тараққиёти учун зарур бўлган моддий ишлаб чиқариш ва маънавий ҳаётида барқарор кучли давлат бўлиши учун мамлакатда дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустахкам замин яратиб берганлигини кўрсатинг.

Темурийлар даврида илм-фан. Улуғбекнинг илмий мактаби.

Берилган адабиётлардан фойдаланган холда Темур ва Темурийлар даврида илм фанга катта эътибор берилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилилганлигини исботланг.

Шоир, мусиқачи, олим ва меъморларга алоҳида эътибор қаратилганлиги, уларнинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини кўрсатинг.

Амур Темурнинг илм-фанга эътибор берганлигининг натижаси Темурийлар сулоласининг кейинги ворислари даврида ҳам ўз маҳсулини берганлигига Шоҳруҳ, Мирзо Улуғбек, Мироншоҳ, Бойсунқур Мирзо, Ҳусайн Байқаро ва Захириддин Муҳаммад Бобур тимсолида мисоллар келтиринг.

Темурийлар орасида Улуғбек фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг Самарқандда яратган илмий мактаби жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳисса эканлигини очиб беринг. Улуғбек яратган “Зижи Кўрагоний” асарининг кейинги асарда Европанинг турли мамлакатларига тарқалишига эътибор қартинг. Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи ва унинг набираси Мирам Чалбий ва эвараси Маҳмуд Чалбий шунингдек, Самарқанд академиясининг намоёндалари фаолиятига батафсил тўхталинг.

Хаттотлик, тасвирий саъат ва мусика маданияти.

Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд ва Хиротда меъморчилик, наққошлиқ, тасвирий санъат, адабиёт ва мусиқа маданияти ниҳоят даражада тарқкий этганлигиникўрсатинг. Айниқса, меъморчилик билан биргалиқда тасвирий санъат улкан муваффақиятларга эришганлиги, Беҳзод, Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музахҳиб, Хожи Муҳаммад Нақош ва Шоҳмузаффар каби мўйқалам соҳиблари ижодлари. Мовароуннаҳр ва Хурсон тасвирий санъатининг ўзига хос услубий, мусаввирлар ижодининг ҳаёлий мавҳумликка, реалистик тасвирга тамон ривожланиб борганлигини, бу борада Беҳзод асос солған Хирот мусаввирлик мактаби. Суратлар ҳаётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадий асарларга ишлаган тасвирларни таърифлаб беринг.

Мусиқа соҳасида эришилган ютуқлар: Улуғбек, Навоий, Жомий ва Биноий каби мутафаккир ва шоирларнинг мусиқа соҳасида яратган назарий асарлар, Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳкӯча Фиждакий, Қосим Роббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Ҳўжа Юсуф Андижоний, Устоз Шодий, Нажмиддин Кавбакий каби маҳоратли созандалар бастакорлар ва ҳофизлар фаолияти орқали нодир ва бебаҳо санъат асарлари вужудга келганлигини тушунтиринг. Бу даврга келиб китоб санъати билан боҚлиқ бўлган ҳаттотлик мусаввирлик санъати тараққиёти янги босқичга кўтарилиганини эътибор қаратинг.

Машҳур хаттот Мир Али Табризий (1330-1404) томонидан яратилган настаълиқ услуби, “Хатти Хиротий” деб шуҳрат топган услугуб хаттотлик санъатининг чўққиси эканлиги Абдураҳмон Хоразимий, Султон Али Машҳадий, Султон Али Ҳоджон, Мир Али Қилқалам, Ҳалвоий, Рафиқий ижодлари, Самарқанд ва Хиротда маҳсус сарой кутубхоналарининг ташкил этилганлиги, қўллэзма асарларини тўплаш, нусхалар кўчириш, турли манзарали рангбаранг тасвир ва нақишкор лавҳалар билан асарларни безатиш, ҳамда муқовалаш каби китобсозлик санъатининг кучайиб кетганлигини тушунтиринг.

Бадий адабиёт. Алишер Навоий ижодий мероси.

Ўрганилаётган давр Ўрта Осиё халқлари адабиёти тарихида сермаҳсул давр бўлиб, бадий услугуб жиҳатдан такамиллашиб, кўплаб нодир бадий, лирик асарлар яратилганлиги замонасининг етук шоирлари ва адиллари Кутб, Сайфи Сароий, Ҳайдар Хоразимий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқаларнинг асарлари шу давр бадий адабиёти дурдоналари эканлигини таъкидланг. Бу давр ўзбек шоирлари ичida Лутфий ва Навоий асарларидаadolat, ҳақиқат, муруватли бўлиш тарқиб этилганлиги, Лирик шоирлар Саъдий, Ҳофиз ва камол Ҳўжандий ижодлари. Абдураҳмон Жомий Навоийнинг замондоши, устози ва дўсти эканлиги.

Буюк шоир, олим, мутафаккир Алишер Навоий эътиборини ўз асарларида халқ осойишталарига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига илм –фан санъат ва адабиёт тараққиётга

багишиланлиги тўғрисида. Унинг “Ҳамса” асари жаҳон ҳазинасининг дурдонаси эканлигини таъкидланг.

Алишер Навоий етук аҳлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини қайд этиш билан бирга, маънавий юксакликка эришишнинг асосий мезони деб гумманистик идеалларга мувофиқликни тушунганлигини унинг асарлари орқали исботланг.

### **7-мавзу. Ўзбек хонликлари даврида ижтимоий-сиёсий парокандалик сабаблари ва унинг ўқибатлари.**

**Режа:**

1. Шайбонийлар ва Аштархонийлар хукмронлиги. Мангитлар даврида Бухоро амирлиги. Давлат тузуми, хўжалик ва маданий ҳаёт.
2. Хива хонлигининг ташкил топиши. Хива хонлигига ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
3. Қўқон хонлиги. Ижтимоий аҳвол. Маданий ҳаёт.
4. Хонликларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ички зиддиятларнинг кескинлашиб бориши.

**Адабиётлар:**

1. Абдураимов М.А. Бухоро хонлигига аграр муносабатлар тарихидан лавҳалар. Т. “Фан”. I ва II жиллар. 1966. 1970.
2. Абдулғози Баҳодирхон. Шажараи турқ. Т. “Чўлпон” 1992.
3. Абу Тоҳирхожа. Т. “Камалак” 1991.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. “Шарқ”. 1999.
5. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т. “Ўқитувчи” 1994.
6. Аҳмедов Б.А. Ўзбек усули. Т. 1992.
7. Баёний Шажраи Хоразимшоҳий. Т. “Камалак”. 1991.
8. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т, 1994.
9. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. “Фан”. 1982.
- 10.Ибрат. Фарғона тарихи. Т. 1991.
- 11.Муқминова Р.Г. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Т. 1994.
- 12.Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т. 1989.
- 13.Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т. 1995.
- 14.Ўзбекистон халқлари тарихи. Т. II- жилд. 1993.
- 15.История Узбекистана. Том III. Т. “Фан” АН Р.Уз. 1993.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар хукмронлиги. Мангитлар даврида Бухоро амирлиги. Давлат тузуми, хўжалик ва маданий ҳаёт.

Кўрсатилган адабиётлар ва маъруза матнлари орқали XV асрнинг охиirlарида келганда Хиндистон ва Моваруннахрда ҳукумронлик қилаётган Темурий ҳукумдорлар ўртасида сиёсий бирлик ва барқарорликка дарз кетганлиги, пировард натижада мамлакат хўжалик – иқтисодий аҳволнинг тушкунлигига сабаб бўлганлигини асосланг.

Бўрибой Аҳмедов асарларидан фойдаланган ҳолда Даҳти Қипчоқдаги

сиёсий вазиятга аҳамият қаратиб, Кўчмачи Ўзбеклар давлатининг ташкил топиши ва кейинги тарихига эътийор қаратинг.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юришлари, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Шайбонийхон билан тўқнашувлари ва унинг оқибатлари, Бобурнинг давлат арбоби, олим сифатида жаҳон тарихидаги ўрнига “Бобурнома” асосида тарихий баҳо беринг.

Темурийлар мулкларининг шайбонийлар томонидан босиб олиниши ва ҳукумронлигининг ўрнатилиши, давлатнинг расман Бухоро хонлиги деб юритила бошланиши, Шайбонийлар сулоласининг бошқарув тизими мамлакатнинг сultonлар ва бекларга бўлиб берилиши оқибатида амалдор ва беклар мавқейнинг кучайиши, марказий давлат ҳокимиятининг зайллашуви сабабларига диққатни қаратинг.

Бухоро хонлиги Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласининг ҳокимиятига келигши, янги сулола даврида хонликнинг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий аҳволи, аграр муносабатлар ва сув иншоотларининг қурилиши, шахар хўжалиги. Хунармандчилик, ияки ва ташқи савдо муносабатлари, пул муомаласи солиқ сиёсати ва мамлакатда халқ норозилик харакатларининг сабабларини кенгроқ ёритинг.

Мамлакатдаги ички сулолавий курашлар ва тарқоқликнинг кучайиши натижасида марказлашув анъаналарининг издан чиқиб Фарғонада мустақил Қўқон хонлигининг ташкил топиши, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Бухоро хонлиги босқинчилик юришларини ва унинг сиёсий оқибатларига диққатни қаратинг.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида ҳукумдорлик нима учун “хон” мансаби билан юритилганлигини тушунириинг.

Бухоро амирлиги тарихини ёритиш жараённида қуйидаги тарихий жараёнларга асосий диққатни қаратинг: Бухоро хонлигига ҳокимиятнинг манғитлар сулоласига ўтиши ва хонликнинг Бухоро амирлиги деб юритила бошланиши. Манғитлар даврида Бухоро амирларининг ижтимоий ва давлат тузуми, қишлоқ хўжалиги аҳволи, савдо сотиқ ва хунармандчиликнинг аҳволи.

Маъмуриятчилик, зўравонлик ва ўзбошимчаликнинг кучайиши, мамлакат иқтисодиётининг тушқунликка юз тутуши, қашоқлик, Бухоро ва Хива ўртасидаги ўзаро урушлар ва уларнинг оқибатлари фақат халқ учун қимматга тушганини тарихий мисоллар ёрдамида асосланг. (Мавр, Миёнқалъа қўзғалонлари).

Масалани ёритиш жараённида Бухоро хонлигига XVI-XIX асрнинг биринчи ярми давомида иқтисодий юксалиш ва инқирозлар, сиёсий ихтилофлар мамлакатдаги кўп минг йиллик тарихий илдизга эга бўлган халқ маданиятининг давомийлигига тўсиқ бўла олмаганлигини таъкидланг. Халқ маданияти адабиёти, тархи, фан ва санъат соҳаларида янги дурдона асарлари билан бойиди. Жамиятнинг нафақат юқори табака вакиллари балки хунармандлар, айникса оддий фуқаро вакиллари ҳам бу асарларнинг муаллифлари бўлганларни мисолида халқ маданияти хамиша бардавомлигини исботланг.

Бухоро ислом ва маърифат маркази даражасига кўтарилиши, илоҳиёт

илми, араб тили, нотиқлик санъати, алжабр, тарих илми (Биноий “Шайбонийнома”, Мир Мухаммад Амин Бухорий “Убайдулланома”, Абдурахмон Толеъ “Тарихи Абдулфайизхон”, Дониёл Бухорий “Гулшан улмулук”, Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий”, Биноий “Шайбонийнома”, Фазлулоҳ Резбекон “Мехмонномайи Бухоро”), абадий хаёт (Сайидо Насафий, Турди Фароғий, Мирзо Бедил, Вола, Жунайдуллоҳ Ҳозик,) ва меъморчилик (Мир Араб, Модарихон, Абдуллахон, Кўкалдош, Шердор, Тиллакори, Девонбеки мадрасилари), шаҳарсозликтининг ривожини алоҳида қайд қилинг.

**Хива хонлигининг ташкил топиши. Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.**

Кўриб чиқиладиган масалани кенгрок ёритиш учун Ўзбекистон тарихи (Муқминова Р.Г. 86-93 бетлар.) Ўзбекистон халқлари тарихи (Асқаров тах. 25-31, 70-72 бетлар) ва Истрия Узбекистана том-III. (стр. 249-316) дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш мумкун. Унда сиз кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳр худудларига кириб келиши Хоразимда ҳам сиёсий ҳамда социал-иқтисодий муносабатларни ўзгартириб юборганлигига, Хоразимда ҳам Шайбоний кўчмачи ўзбеклар сулоласининг ҳокимиятга келиши ва сиёсий ҳокимиятни XVIII асрнинг охирига қадар сақлаб қолишиларига эътибор қаратинг.

Хива хонлигида Қўнғиротлар сулоласининг ҳокимиятга келиш сабаблари ва унинг оқибатларини ёритинг.

Қўйи Амударё Қорақалпоқларнинг XVIIаср гача бўлган сиёсий тарихи, XVIII- аср охири XIX аср бошларида хусусан Муҳаммад Рахимхон I даврида (1810-1811 йиллар) қорақалпоқларнинг Хива хонлигига бўйсундирилиши жараёнинга диққатни қаратинг. Қорақалпоқ халқи тарихи ва ижтимоий-иқтисодий турмуш таризи, уларнинг Хива хонлигига бўйсундирилганидан кейинги ижтимоий тузуми ҳақда. Қорақалпоқ халқининг феодал зулмга қарши ва озодлик учун 1827. 1855-1856 йиллардаги курашлари тарихи ва унинг оқибатларига алоҳида тўхталиб ўтинг.

XVI-XIX асрлар биринчи ярми давомида Хоразим-Хива хонлигининг ҳудуди, аҳолисининг ижтимоий тарики, қишлоқ ва сув хўжалиги ер эгалиги ва мулк шакллари, ҳунармандчилик тараққиёти, савдо пул муносабатларидаги ўзига хослик томонларига эътибор қаратинг.

Хива хонлиги даврида ҳам олдинги давр Хоразим илм-фани ва адабиётига ворисийлик анъаналари давом этганлигини Абдулғози Баҳодирхон (“Шажраи турк”, “Шажараи тарокима”) Мунис Хоразими (‘Девон’, ‘Арналар’, ‘Мунис ул-ушшюқ’, ‘Фрдавс ул-иқбол’) ва Муҳаммад Ризо Оғаҳий (“Таъвиз ул-ушшюқ”, “Риёз ул-давла”, “Гулшани давлат”, “Зубдат ут-таворих”) адабий тарихий мерослари мисолида эътироф этинг.

**Қўқон хонлиги. Ижтимоий аҳвол. Маданий ҳаёт.**

Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тарихига оид маълумотларни “Қўқон тарихи” (Х.Бобонков) ва История Узбекистона (том-III, стр. 205-213) адабиётларидан батафсил йиғиш мумкун. Унда сиз XVIII

асрга келганда Фаргона водисидаги аҳвол, ўзбекларнинг минг ўруғидан бўлган Шоҳрухий (1709-1721) томонидан Кўқон хонлигига асос солиниши, Норбўтабек даврида (1763-1798) хонлигига сиёсий-итисодий баарорликнинг рнатилиши, Умархон (1810-1822) ва Муаммад Алихонлар даврида (1822-1842) хонлик худудларининг кенгайтирилиши, Бухоро амири Насрулло билан Кўқон хонлиги ўртасидаги хунрезлик урушлар ва унинг оқибатларига асосий эътиборни қаратинг.

Фаргона водийсининг табиий-худудий ўзига хос хусусиятларида келиб чиқадиган Кўқон хонлиги ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, ер эгалиги ва солиқ мажбурият шакллари, халқ норозилик харакатлари (Тошкент кўзғалони, Кипчоқлар кўзғалони)нинг моҳияти ва харакатланлантирувчи кучларини қайд қилиб ўting.

Кўқон хонлиги нафақат сиёсий тарихи балки, илм-маърифат, санъат ва адабиёт жабхаларида ҳам ўзбек халқи тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган маданият ўчоқларидан бири эди. Амир Умархон даври “Кўқон адабий мухити” нинг вужудга келиши, унинг тарихий илдизлари Бобориҳим Машраб, Гулшаний Ёрий, Завқий, Зорий, Нозил, Мажхуб, Фозийлар ижодига тўхталинг.

Кўқонда хаттотлик санати ва меъморчилик ҳам ривожланган. Китоблар шундай дид билан кўчирилганки, хорижий мамлакатлар шоҳлари учун эличиларга ана шундай нафис кўчирилган китобларни тортиқ, қилиш хонлиқда одатга айланганини таъкидланг.

XIX асарда Кўқон шахрининг меъмероий кўриниши хукумдорлар ташаббуси сабаб улуғворлик касб этганлигиниң қурилишлар (Норбўтабек, Норбўтабий, Мингойим мадрасалари, Худоёрхон Ўрдаси ва бошқ). Мисолида кўрсатиб ўting.

### **Хонликларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ички зиддиятларнинг кескинлашиб бориши.**

Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган холда хонликлар ўртасидаги худудий-территориал ҳамда ҳокимият учун курашлар мамлакат тараққиётига зарар етказиб, хўжалик ва маданият равнақига салбий таъсир қилгани, бу эса ташқи кучлар тажоввузни кучайтирганини ёритинг. Сиёсий тарқоқликнинг сабабларини очишга ҳаракат қилинг.

### **8-мавзу. Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати.**

**Режа:**

1. Россия истилосидан сўнг Чор маъмурлари томонидан Туркистонда мустамлакачилик бошқаруви тизимиning вужудга келтирилиши.
2. Чор Россияси хукумрон доираларининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати, ўлка иқтисодиётиning чоризим манфатларига бўйсундирилиши.
3. Чоризимнинг кўчириш сиёсати, унинг асоратли оқибатлари.

4. Чор мустамлакачи маъмурларининг ўлка халқлари маънавий-маданий ҳаётига салбий таъсири.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.1994.
2. Авлоний А. Ўсон миллат. Т. 1993.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. “шарқ”. 2000.
4. Аҳмад Зокий Валидий. “Адолат” Т. 1997.
5. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Т. 1991.
6. Зиёев X. Туркистанда Россия тажавуси ва ҳукумронлиги қарши куаш. Т. 1998.
7. Ибрат. Фарғона тарихи. Т. “Камалак”, 1991.
8. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Т. “Тошкент”, 1994.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-жилд. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т. “Шарқ”, 2000.
10. Ўзбекистон халқлари тарихи. А.Аскаров таҳ. II-жилд. “Фан” 1994.
11. Ҳасаний М. Туркистон босқини. Т. 1992.

Россия истилосидан сўнг Чор маъмурлари томонидан Туркистанда мустамлакачилик бошқаруви тизимишининг вужудга келтирилиши.

Чор маъмурияти томонидан Туркистанда мустамлакачилик бошқаруви тизимишининг вужудга келиши жараёнини баён қилишдан олдин талабалар Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги. Хива хонлиги ва Кўкон хонликларидан иборат 3 та феодал давлат мавжуд бўлганлиги, улар ўртасида бўлиб турадиган тинимсиз уришлар хонликларнинг иқтисодий ва сиёсий ахволини таназзулга оилб борганигини эслаб ўтишлари жоиздир.

Бундан ташқари хонликларда ҳар бир шаҳар, вилоятлар мустақил бўлишга интилиб майда хокимлар ўртасида доимий қонли уришлар тижоратишларини, карvon савдосининг тўхтаб қолишига, хунармандчилик ва аҳолининг асосий қисми шуғулланган дехқончиликни издан чиқиб халқнинг қашшоқ аҳволга тушуб қолганлиги сабабини очинг. Бунда Марказий Осиё ҳудудида яшаб келган турк задагонлари ва бойлар қадимдан давлат, дунё, мол, бойлик талашиб, ўзаро уришлар ва қирғинлар қилиб бир-бирларининг тинкаларини қурилганлиги, ўзаро уришлар ва қирғинлар қилиб, ўлкада фан-техниканинг, ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётга тўсқинлик қилганини билиб олинг. Қавм-қариндош, уруғ- аймоқ бўлган туркий халқларнинг ягона кучли давлатга бирлашмаганлиги сабабли чет эл босқинчилари Ўрта Осиёни осонликча босиб олиш учун қулай вазиятни вужудга келтирсанлигини эсда тутинг.

1865 йил 17 июнь куни рус қўшинларининг Тошкентни босиб олиши бутун Марказий Осиёning тақдирини узил-кесил ҳал қилганлиги, шундан сўнг Чор хукумати бирин-кетин Бухоро, Кўкон, Хива ерларини босиб ола бошлаганлигини ва 1876 йил 14 февралда Кўкон хонлиги тугатилганлиги, шу йилдан бошлаб Ўрта Осиёдаги феодал давлатлар Бухоро, Хива, Чор

Россиянинг вассаллига айланганлиги, ўз мустақиллигини йўқотганлигини билиб олинг.

1873 йил 12 августда тузилган “Гандимиён шартномаси” нинг 1-чи бўлими 8-бўлимда “Мухаммад Раҳимхон II ўзини рус императорининг қули” деб тан олганлиги, шунингдек хонлик ички ва ташқи сиёсат олиб боришдан маҳрум бўлганлигини кўрсатинг. Босиб олинган ҳудудларда маъмурий тузилиш масаласи бўйича министр Милютич бошчилигидаги ҳайъат тузилиб, аъзолари Крижановский, Гейден, Черняев, Дашков, Гирс, Роценко ва бошқалардан иборат комиссиянинг фаолияти.

Крижановский шунга биноан Оренбург генерал губернаторлигидан Ўрта Осиёнинг босиб олинган ерлари чиқарилиб, Сирдарё вилояти тузилиб 1867 йил 14 июлда “Янги маъмурий бошқарма тўърисидаги Қонун” қабул қилиниши ҳамда Туркистон Генерал Губернаторлиги деб аталиши. Унинг биринчи генерал губернатори қилиб генерал-адъютант К.П.Кауфман тайинланиб, унга чекланмаган имтиёзлар “Яrim подшо” ҳуқуқини берилганлигини исботланг.

Чор Россияси Туркистонни ўз мусамлакасига айлантирганидан сўнг “ҳарбий ҳалқ бошқарув” деб аталмиш ҳокимиятни вужудга келтириши. Унга кўра Туркистон ўлкаси вилоятларга, улар уездларга, уездлар эса влостларга, влостлар учаскаларга, учаскалар оқсоқолликларга бўлиниб, Туркистонда мустамлакачилик бошқарув тизими вужудга келтирилган.

Улкани бошқаришда рус императори томонидан вилоят ҳарбий губернаторларининг тайинланиши, уезд бошлиқлари рус армияси полковниклари, участка приставларига эса капитан унвонидаги зобитлар, волост бошқарувчилари юзбоши оқсоқоллари ва ўнбошлар маҳаллий аҳоливакилларидан салбий қўйилганлигини билиб олинг.

Юқоридаги барча вазифалар бир нарсага-Туркистонни Россиянинг асосий Хом ашё етказиб берувчи базага айлантиришга қаратилганлигини ўқиб олинг.

Чор Россияси хукумрон доираларининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати, ўлка иқтисодиётининг чоризим манфатларига бўйсундирилиши.

Чор Россияси юритган улувъ давлатчилик ва мустамлакачилик сиёсати оқибатида Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаёти ва турмушида муҳим ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар юзага келганлиги ҳамда мустамлакачилар юргизган шовинистик ва зўравонлик сиёсати ўлка ҳаётида чуқур салбий ва из қолдирганлигини аниқланг.

Махаллий миллат меҳнаткашларининг икки ёқлама аёвсиз зулм ва эксплуатация қилиши эса уларни ҳар томонлама ҳорлик ва зорликка, начорликка ва тобеликка маҳкум этганлигини, пахта яккахокимлигининг бошланиши мамлакат Россиянинг хом ашё базасига айлантирилганлигини фактлар асосида тахлил этинг.

Чоризимнинг кўчириш сиёсати, унинг асоратли оқибатлари.

“Туркистон- руслар учун” шиори остида ўтказилаган ислоҳатнинг моҳиятини очинг.

Нима сабабдан Россия империяси генераллари ва сиёсатчилари рус миллатига мансуб ахолини маҳаллий халқ орасида аралаштириб юбориш, русларни Туркистонда доимо яшайдиган аҳолига айлантириш учун ҳаракат қилганлар. Кўчириш сиёсати 1867 йилдан бошланиб, бу борада Россия империяси 3,5 асрлик тарибага эга эдилар.

У Болтиқ бўйи, Қозон Сибирь, Крим, Астрахань хонликларини босиб олиб кўчиришларнинг хар хил шакллари ва услубларини мукаммал эгаллаб олганликлари туфайли бу ерда кўчириш сиёсати ўта пухта олиб борганлигини исботланг.

Фон Кауфман бу ерларда рус қишлоқларини ташкил этиш ташаббускори эканлигини фактлар билан очиб ташланг.

1886 йилги “Низом” билан рус ахолисини кўчириб келтириш йўли билан ўлкани руслаштириш ҳаракатини қонуний мустаҳкамлаб, унга сиёсий тус берилишини тушунтиринг.

1875 –1890 йилларда Туркистонда 19 та 1891-1892 йилларда 25 та рус қишлоқларини пайдо бўлиши, 1889 йил 13 июль қонунинг моҳиятини очинг.

Мустамлака ўлкага русларни юбориш масаласи билан шу Қулланувчи маҳсус идора- “Кўчириб келтириш бошқармаси” нинг ташкил этилиши.

Рус ахолисининг кўчириб келтириши, маҳалий халқларнинг моддий-маънавий турмушига салбий таъсир қилганлигини очиб беринг. Чоризмнинг рус ахолисини маҳаллий ҳалқларга қарши қўйиши русларни қуроллаштириш сиёсати олиб борилишидаги мақсадларини аниқланг.

Можор олими Херман Вамберининг рус мустамлакачилари ўзга ҳалқларни руслаштириш сиёсатининг бош йўналишида берган таърифини келтиринг.

Чор мустамлакачи маъмурларининг ўлка ҳалқлари маънавий-маданий ҳаётига салбий таъсири.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги тарихий шарт шароит, мусамлакачиликнинг “рус модели” шуни кўрсатдики, ўлкада маҳаллий ҳалқни жаҳолатда, саводсизликда, қашоқликда ушлаб туриш сиёсатининг мақсадини аниқланг.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгач, бу ерга мансаб истаганлар, ишёқмас ҳар- ҳил одамлар, ҳатто жиноий гуруҳлар ҳам кириб келганлиги ўлка ҳалқларининг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатганлигини гапиринг.

Мустамлакачилар ҳалқнинг урф-одатларини, мусулмончилиги ва динини ҳам топташдан тоймаганлиги, бу борада мадраса, вакф ерларини йўқ қилувчи буйруқлар чиқариб, мусулмонларнинг жума номозларида (хутбаларида) подшоҳнинг номини ўқиши тўърисида кўрсатма бериши ҳамда маҳаллий ҳалқни таҳқирлаб уларни ҳар бир рус амалдорига таъзим бажо келтиришлари мажбурлиги хақида амр қилинганлиги, ҳатто қўчада ким

русларга букилиб таъзим бермайдиган бўлса, уни уриб калтакладиган одат чиқарганлигини билиб олиш шарт ва буларнинг оқибатида Ўрта Осиё аҳолиси манқуртга айлантирилади.

## **9- мавзу. Туркистонда жадидчилик ҳаракати.**

**Режа:**

1. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият. Жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши.
2. Туркистон жадидлари илгари сурган ғоялар ва қарашлари ҳамда уларнинг илғор, прогрессив мазмун-моҳияти.
3. Жадидларнинг ўлка халқлари орасида олиб борган маданий оқартувчилик фаолияти.
4. Жадид намоёндаларининг Туркистондаги демократик ва миллий истиқлолчилик ҳаракатларига кўрсатган муҳим таъсири.

**Адабиётлар:**

1. Каримов и.А. Истиқлол ва маънавият. Т. “Ўзбекистон”, 1994.
2. Алиев А. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Т. “Ёзувчи” 1994.
3. Ватан туйғуси. “Ўзбекистон”. 1996.
4. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва хукумронлигига қарши кураш. Т. “Шарқ” 1998.
5. Содиков М. Эркесвар хурриятпарвар эл порисларимиз. Т. “Камалак” 1992.
6. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон фожияси. Т. “Чўлпон”, 1992.
7. Қосимов Б. Жадидчилик. “Ёшлик”, 1990 йил 7-сон.
8. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. Т. 1992.
9. Ватан туйғуси. “Ўзбекистон”, 1996.

XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият. Жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши.

“Туркистон ўлкаси жаҳон мустамлака занжирдаги энг мустаҳкам халқа” деганди сиз нимани тушунасиз? Бу масаладаги муаммолар адабиётлар рўйхатида кўрсатилган Қосимовнинг “Исмоилбек Гаспирали” номли асари ҳамда Ўзбекистон тарихи Т. 1996. 187-190 бетларида очиб берилган.

Кўрсатилаган адабиётларни конспект қилганингизда рус Чоризими Туркистонни истаганларича талаш, бузуш, топташ имкониятларини узоқ вақт қўлда сақлаб қолиш, “Хуқуқни” қўлдан чиқармаслик учун маҳаллий халқларни жаҳолатдан сақлаш, шу орқали ўсиб бораётган капиталистик бозор муносабатларига маҳаллий буржузия вакилларнинг иштирок этишларига тиш-тироқлари билан қарши туриш сиёсатларини англаб етмоқдан иборат бўлмоғи лозим. Миллат равнақини ўйловчи тариқиётпарвар зиёлилар, рухонийлар, хунармандлар, дехқонлар халқнинг

миллий онгини ошириш ва ўзлигини англашнинг биринчи босқичини маърифатда, илму-урфонда деб билдилар. Халқнинг саводини чиқармасдан туриб, мусақиллик курашига отлантириб бўлмаслигини ҳис қилганлигини очиб беринг.

Мусулмон дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлиги, эл – усулидаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатлар қаторига қўшилиш каби муҳим муаммоларни ёритинг.

Исмоил Гаспирали (1851-1914) нинг фаолиятини ва унинг Туркистонга сафарини ўрганинг.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг фаоллари Бухоролик Олим Маржоний, Фиждувонлик домла Фозил, Мўминхўжа Вобкандий, Мулла Салоҳиддин домла очган жадид мактаби. М. Беҳбудий, С.Айний, А.Авлоний, Фитрат, Мунаввар Қори, Бобоохун Салимов каби тараққийпарвар инсонлар фаолиятини чуқур ўрганинг.

Туркистон жадидлари илгари сурган ғоялар ва қарашлари ҳамда уларнинг  
илғор, прогрессив мазмун-моҳияти.

Бу масалани ёритищда сиз тараққийпарварлар рус буржуазиясига ва Туркистонда хукум сураётган феодал қулоқликка қарши отланганларнинг ҳаракатлантириувчи кучи бўлиб майдонга чиққанлигига эътибор беринг. Улар рус буржуазиясининг мустамлакачи сиёсатидан норози эканлиги ва унга қарши курашганлигини кўрсатинг.

Маҳаллий аҳолининг эскича турмуши ва қолоқлигига, бу қолоқликнинг сабаби аҳоли сиёсий онгининг пастлигига деб билдилар. Бу борада улар қандай ишни амалга оширдилар. Жадидларнинг Туркистон озодлиги учун кураш дастурида асосан уч йўналиш мавжуд эди. Бу йўналишлар қайсилар эди?

Жадидларнинг ўлка халқлари орасида олиб борган маданий оқартувчилик  
фаолияти.

Боғчасаройда нашр этилган “Таржимон”, Қозонда чиқкан “Вакт” “Юлдуз” журналлари, Истамбулда чоп этилган “Сироти мустақим” Тошкентда “Садои Туркистон” газета ва журналларининг роли. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи расмий мавсуми очилиши ва бунда Беҳбудийнинг “Падаркуш” пьесаси томошибинларга кўрсатилиши шунчаки маданий тадбир бўлмай, балки катта сиёсий аҳамиятга молик эканлигини тушуниб олмоғингиз керак бўлади.

Кўқонда “Ғайрат” Андижонда “Тараққийпарвар” каби жамиятлар Хурфиксалик, миллий онгни ўсиши, миллий озодлик Қояларини тарғиб қилиниб, халқни озодликка маданий-маърифий ишларга тортганлигини очиб беринг.

**Жадид намоёндаларининг Туркистондаги демократик ва миллий истиқлолчилик ҳаракатларига кўрсатган муҳим таъсири.**

Жадидларнинг Туркистон озодлиги учун қураш дастурини амалга ошириш борасида Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдуллаҳўжа, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг олиб борган фаолияти ва унинг Туркистондаги демократик ва миллий истиқлол ҳаракатларига таъсирини ўрганинг.

Унда Улкадаги инқилобий ва миллий озодлик ҳаракати ўсиб боргани сари, жадидлар сафи ортиб борганлиги ва XX аср бошида жадид зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар, миллатпарвар, авлодни тарбиялаб борищдек оғирвазифани бажарганлигини, улар доимо қувҚин, қамоқ, сургун каби хавф-хатарлар бошида чарх уриб турган холда иш олиб боришлиларига мажбур бўлганликларини очиб беринг.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сўнг то 1917 йилгача Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув вилоятларда 4922 марта ҳар хил исёнлар кўтарилиганлиги моҳиятини кўрсатинг.

Жадидлар хонликлар даврида ҳам, Чор ҳукумати мустамлакачилиги даврида ҳам ва ниҳоят шўро тузуми даврида ҳам қувҚун остида олинганлигини билиб олинг.

## **10-Мавзу. Совет ҳокимиятининг давлат тепасига келиши ва унга қарши қуролли ҳаракатлар.**

**Режа:**

1. Туркистон Мухторияти миллий истиқлолга эришиш йўлида маҳаллий демократик кучларнинг дастлабки муҳим қадами.
2. Ўлкада Истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши, унинг моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
3. Фарғона водийси – Истиқлолчилик ҳаракатининг марказлардан бири.
4. Бухоро ва Хивада миллий озодлик ҳаракатлари.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди. Асалар. 4-жилд. Т. “Ўзбекистон”, 1996.
2. Амир Сайд Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т. “Фан”, 1991.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Т. “Фан”, 1996.
4. Ватан туйҚуси. Т. “Ўзбекистон”, 1996.
5. Иброҳим Карим. Мадаминбек. Т. “Ёзувчи”, 1993.
6. Инқилоб жангчилари. Т. “Ўзбекистон”, 1990.
7. Полвонниёзов К. Истоки рождения Каракалпакистона. Нукус. 1994.
8. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Т. “Чўлпон”, 1994.

Туркистон Мухторияти миллий истиқололга эришиш йўлида маҳаллий демократик кучларнинг дастлабки муҳим қадами.

Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда 1917 йил февраль инқилобининг Туркистон маҳаллий демократик кучларининг жипслашувига таъсири ҳамда жадидлар бошлиқ демократик озодлик ҳаракатининг кучайиши натижасида “Шўрои Исломия”, “Шўрон Уламо”, “Турк олими марказияти” фарқлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг кусайиб борганлигини кўрсатиб беринг.

Айниқса Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг шоввинистик сиёсати моҳиятини очиб беринг. Бу борада, айниқса миллий мустақиллик ғоясининг туғилиши масаласи эътиборни қаратинг.

1917 йилнинг ёзида Султонхўжа Қосимхўжаев раислигига Эски шаҳарда 13 та касаба уюшмаси ҳамда шу йил август бошларида Андижонда мусулмон ҳунар аҳлининг “Саноати ул-Ислом” шуроси тузулганлиги, Тошкентда “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Турон”, “Турк эли”, “Нажот”, “Кенгаш”, Самарқандда “Ойна”, “Хуррият”, Бухорода “Турон”, “Бухори Шариф”, Кўқонда “Садон Фарқона”, “Тирик сўз” рўзномалари, “Хуррият” журнали, Фарғонада “Фарғона нидоси” рўзномаси чиқа бошлаганлиги халқни сиёсий фаолликка чорлаганини қайд қилиб ўтинг.

1917 йил 15-27 ноябрда Туркистон ишчи, аскар ва дехқон шўроларининг 3-съезди, биринчи совет ҳукумати тузулганлигини, унда маҳаллий халқнинг қонуний талаблари инобатга олинмаганлигини бу эса кейинги кескин курашларнинг келтириб чиқарганини алоҳида кўрсатинг.

1917 йил 2 ноябрдаги “Россия халқлари декларацияси” “Россияхалқларнинг ажralиб чиқиб, мустақил давлат тузишгача ўз-ўзини эркин белгилаш ҳуқуқи” ҳамда шу асосда Халқ Комиссиялари Совет “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” деган маҳсус мурожати моҳиятини очиб беринг. 1917 йил 26 ноябр куни Кўқонда ўлка мусулмонларининг фавқулоддаги 4-съезди ҳамда “Туркистон Мухторияти” деб номланган давлат тузумининг вужудга келтирилиш масаласини кўрсатинг.

**Ўлкада Истиқолчилик ҳаракатининг бошланиши, унинг моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.**

Бу саволда Ўлка Совет ҳукумияти Мухтор Туркистон Муваққат ҳукуматини тан олмаганлигини, уни “Туркистоннинг бир тўда бойлар ва руҳонийлари” манфатларини ифода қилувчи асл инқилобий, буржуа ҳукумати деб эълан қилиниши ҳамда Кўқон фожиялари, Туркистон раҳбарларининг қамоқقا олиниши ўлка худудларида истиқолчилик ҳаракатларининг бошланишига сабаб бўлганлигини кўрсатиб беришингиз керак бўлади.

Туркистонда мустақил давлат барпо этиш мақсаддиди миллий озодлик ҳаракатига йўлбошлиқ қилган Иброҳимбек, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва бошқа қаҳрамонларимизга совет тарихчилари

томонидан босмачи, ўғри, мутаҳам деган лаънат тамғаси босилиши моҳиятни тушуниб олинг.

1918 йил 30 апрелда Советларнинг 5-съезди РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Мухтор Республикасини тузиш түғрисида қабул қилинган қарор, берилган мухторият табиатан миллий бўлмай, балки худудий эканлигини исботланг.

Туркистон Мухтор хукуматининг тор-мор этилгандан сўнг маҳаллий аҳолига қарши жазо компаниясининг авж олдирилиши, масжидлар ва мадрасаларнинг ёпиб қўйилиши саноат ва хунармандчилик корхоналарининг беркитилиши, бозорларнинг ёпиб қўйилиши, озиқ-овқат развёрсткасини жорий этиш ва шу каби амалга оширилган сиёsat туб ерли аҳолининг миллий-озодлик истиқлолчилик ҳаракатининг янада кучайишига сабаб бўлганлиги. “Туркистон мустақиллиги учун кураш”, “Туркистоннинг озодлиги учун” деган шиорлар, ҳурриятлар ўзларни “Ислом аскарлари”, “Мусулмонбодлик жангчилар”, “Туркистон озодлиги” деб атаганларида бу ҳаракатлар халқ ҳаракатлари эканлигини билиб олинг.

**Фарғона водийси – Истиқлолчилик ҳаракатининг марказлардан бири.**

Бу саволга жавоб беришда миллий озодлик истиқлолчилик ҳаракати бутун Туркистон ўлкасини қоплаб олиш билан биргаликда Фарғона водийси Мустақиллик учун курашнинг маркази эканлигини аниqlанг.

Бунда Кичик Эргаш қисқа муддат ичидаги қуролли отряд тузиб, Кўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида Қизил армия қисимларини тор-мор этгани, ундан сўнг Катта Мулла Эргаш фаолияти. Андижон атрофларида Муҳкамхожи қўрбоши, Марғilonда Мадаминбек, Ўш томонларда Холхўжа Эшон, Наманган уездига Қобил Омон Полвон (Шермуҳаммадбек) қўрбошиларнинг ҳаркатлари.

1918 йилнинг март ойининг охирларида Бачқир қишлоғида 40 нафарга яқин қўрбошлари иштирокида бўлиб ўтган курилтой натижалари. Ягона фронт чизигининг йўқлиги, уюшмасилик тарқоқлик оқибатларини очиб беринг.

**Бухоро ва Хивада миллий озодлик ҳаракатлари.**

Бухоро ва Хива хонликларида XX асрнинг ўн йилликларида монархистик тартиботнинг емирилишига олиб келган тарихий жараёнларни очиб беринг.

Демократик асосида тузилган, шунинг учун хам ўзларидаги ишлаб чикириш муносабатлари жадал ривожланиб, тараккий этиб борган Европа ва Америка давлатларининг таъсири остида бу бу монархия давлатларида жамиятни замонавийлаштириш учун олиб борилган ислохотчилик ҳаракати тобора кескин тусга кира бошлагани, Россиядаги 1905-1907 йиллар инкилоби, “Ёш турклар”нинг уз монархларига карши 1908 йилдаги инкилобий ҳаракатларининг таъсири Урта Осиё хонликларига хам этиб келганликлари натижасида бу ерда хам жамиятни ислох килиш тарафдорлари сиёсий майдонга чикканлигини тушуниб олмок лозим булади.

Туркистон жадидлари билан Бухоро ва Хива жадидилар харакати курашларида кандай фарқ борлигини тушунтириб беринг.

Монархия тартиботи кучли блган консерватив Бухоро ва Хивада янгиликлар билан исоблашишни истамайдиган ҳокими мутлоқ амалдорларнинг мақсадлари нимада эканлигини очиб беринг. Ёш Бухороликларнинг етакчиси Фитрат, унинг сафдоши Йўлдошов билан биргаликда муваққат ҳукумат номига юборган телограммаси, 1917 йил 5 апрел Хива хонлигига Манифест эълон қилиниши шунингдек, 1917 йил 7 апрел куни Бухоро Амири Саид Олимхон ислоҳатлари тўғрисида Россия резиденти Миллер томонидан тайёрланган Манифестни ва уларнинг натижаларини аниқланг.

Бухоро ва Хива жадидларининг қувғинига. Ёш бухороликлар ҳамда ёш хиваликлар ташқи сиёсий кучларга таяниб, идора тартибига қарши куролли кураш йўлига қадим қўйганликларини тушунтириб олинг.

Мамлакатда очлик, уруғлар ўртасида ҳокамият учун кураш, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар фаолияти 1918 йил 25 март Бухоро амри Саид Олимхон Россия ва совет Туркистони Уртасида “Қизилтепа битими”, 1919 йил 9 апрел куни Хива яқинидаги “Тахта битими” имзоланиши. Совет Ҳокимиятининг Жунайидхонга қарши кураш бўлган барча оппозиция кучлар, жумладан ёш бухороликлари ҳам бирлаштириш сиёсати. Хивам хонлигининг ағдариш сабабни яшириш Хивада бўлиб ўтган воқеаларни инқилобий тўнтариш, ҳалқ инқилоби деб таърифлаши. 1920 йил 20 апрелда чақирилган ҳалқ вакилларнинг бутун Хоразим биринчи қурилтойи Хоразим ҳалқ Совет Республикасини эълон қилиши ҳукумат таркибиға ёш хиваликларнинг тайинланишини билиб олинг.

Худуд шундай тарихий жараёнлар 1920 йил 14 сентябр раис Абдуқодир Муҳиддинов бошчилигига Умум Бухоро инқилобий қўмитаси ва Республика ҳукумати Ҳалқ Нозирлари Совети тузулиб унга раис этиб ёш бухоролик Файзулла Хўжаев тайинланишини кўрсатиб ўting. Бу вақтга келиб бухороликлар партияси ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетганлигини билиб олинг.

## **11-Мавзу. Советлар давридаги иқтисодий ва маънавий қарамлик. Совет тузумининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари.**

Режа:

1. 20- йиллар охирида собиқ шўролар мамлакатида тоталитар маъмурий буйруқбозлик ва бюрократик тузумнинг қарор топиши.
2. Ҳукмрон марказ, ком фирмәнинг 20-30-йилларда Ўзбекистонда ўтказилган индустрлаштириш ва дехкон хужаликларини жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари.

3. Узбекистон иқтисодий ва маънавий хаётининг 50-80 йилларда чукур тургунлик ва бухронлик холатларга дучор булиши хамда унинг асоратлари.
4. Комфирқа ва Шўро ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган умумий қатоғонлик сиёсати ва унинг ижтимоий, маданий ҳайтга салбий таъсири.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997. 110-117 б.
2. Маҳмудов Б. Барҳаёт сиймолар “Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар”. Т. “Ўзбекистон”, 1991.
3. Хасанова М. Файзулла Хўжаев. Т. “Ўзбекистон” 1990.
4. Қўшчонов М. Қодирий эрксизлик қурбони. Т. “Фан” 1962.
5. Шарофиддинов О. Чўлпон. Т. 1991.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Т. “Шарқ”. 2000.
7. Қароқалпоғистон тарихи. (1917-1994 йиллар). Нукус. 1995.

20- йиллар охирида собиқ шўролар мамлакатида тоталитар маъмурий буйруқбозлик ва бюрократик тузумнинг қарор топиши.

Маъруза ва қўрсатилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўлкада шўро ҳукуматининг олиб борган маъмурий буйруқбозлик тизимнинг репрессив (қатоғон) тоталитар бюрократик тузумнинг шаклланиш, жараёнини очиб беринг.

20 йилларнинг охирида бошлаб мамлакат ва Республикада таркиб топган тоталитар жамиятининг ўзига хос хусусиятларини очинг.

Жамиятни марказдан туриб бошқариш, маъмурий буйруқбозлик тизими, янги иқтисодий сиёsat иқтисодиётнинг зиддиятларини ўзига сингдириб, ҳарбий коммунизм анъаналарини давом эттириб бориши сиёsatини тушунтиринг.

30 йилларда Сталинча яккаҳокимлик ва тоталитар режимнинг, маъмурий- буйруқбозлик системасининг ҳукумронлиги ортиб бориши натижасида вужудга келган мудҳиш ғайри қонуний ҳаракатлар амалга оширилиши.

Бу ғайри-инсоний кўринишлар миллий сиёsatда айлантирилиб иттифоқчи республикалар миллий мустақиллига фақат қоҚозда тан олинганлиги. Ўзбекистон марказга фақат хом ашё етказиб берувчи базага айланиб борилганлигини тушуниб олинг.

Республикамизда йирик саноатни ривожлантиришга эътибор берилмаганлигини, пахта якка ҳокимлиги ҳукумронлигининг ўрнатлиши кейинги ривожланиш жараёнларида салбий таъсири. Қишлоқни

жамоалаштириш ишини амалга ошириши жараёнида йўл қўйилган адолатсизликлар, катоғон сиёсатини ўрганинг.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий манфатлари, унинг зурурий эҳтиёжлари учун унинг равнақи истиқболи учун қайғурган ва шу мақсадда иттифоқ ҳукумати олдига муайян талаблар қўйган маҳаллий раҳбар ходимлар тақдири (Т.Рисқулов М. Абдурашидхонов, Қ. Отабоев, Н. Тўрақулов. И. Хидралиев ва бошқ.) “Социализм ривожланиб борган сари синфий кураш ҳам шунчалик кучайиб боради” деган Сталинча соҳта ғоянинг мағзини чақинг.

Хукмрон марказ, комфириқанинг 20-30-йилларда Ўзбекистонда ўтказилган индустрлаштириш ва деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари.

Бу саволни очишда Совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг хўжаликни қайта қуришга киришилганлиги, шу асосда мамлакатни социалистик индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини колективлаштириш ҳамда маданий инқилобни амалга оширишга ҳаракат қилинганлигини қайд қилиб ўтиш лозим.

Ўзбекистонда саноатни тиклаш ишлари 20-йилларнинг биринчи ярмида иттифоқ маркази манфаатларини уйлаб режа асосида олиб борилганлиги, Туркистон минтақасида унинг хом ашё ресурсларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан бошланганига алоҳида эътибор бериш лозимлиги, бу эса ўз навбатида энг аввал қишлоқ хўжалиги ва табиий бойликларнинг Марказга хом ашё сифатида ташишга қаратилганлигини билиб олишингиз керак бўлади.

Шунинг учун ҳам биринчи навбатда саноатнинг пахта тозалаш, ёғ-мой ишлаб чиқариш, ипакчилик, қишлоқ хўжалиги машиналари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш, кончилик, нефт, энергетикани ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилган, корхона қурилишини назарда тутганлиги туб маънодаги оғир саноатни вужудга келтириш мақсадида қаратилганлигини билиб олишимиз зарур.

Сталиннинг 1929-йил 7 ноябрда эълон қилинган “Буюк бурилиш йўли” номли мақоласи ижтимоий ҳаёт жараёнларига ўзбошимчалик, субъективистик ва волюнтаристик ёндашишнинг классик намунаси эканлиги ва саноатнинг муҳим тармоқларини беш йиллик режа асосида ривожлантириш кўрсаткичларига ўзбошимчалик билан “тузатишлар” киритилиши оқибатлари нимага олиб келганлигини билиб олинг.

Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари, Чирчик химия комбинати ишга туширилиши чўзилиб кетиши, ишчиларнинг ночор аҳволи, уларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги сабабларини ёритиб беринг.

Шунга қарамай республикада янги саноат марказлари – Чирчик, Бекобод, Янгийўл, Ангрен ва Қувасой шаҳарлари янгидан вужудга келганлиги бунда меҳнаткашларнинг қаҳрамонларча меҳнатини кўрсатиб ўтиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1930-йил 17-февралда “Коллективлаштириш ва қулоқ хўжалигини тугатиш тўғрисида” қабул қилинган қарорнинг оқибатлари. Қишлоқ хўжалиги артелининг 1930-йил 6-февралда қабул қилинган биринчи намунавий Низомида йўл қўйилган камчиликлар нимадан иборат эди. Қулоқ хўжалигини тугатиш компартиясининг авж олдирилиши, ўрта ҳол дехқонларга муносабат масалалари очиб берилсин.

Сталиннинг “Ютуқлардан эсанкираш” мақоласи. 1931-йил баҳоридан бошлаб Ўзбекистонда “ялпи коллективлаштириш”, уни 1933-йил баҳоригача тугатиш режасининг қабул қилиниши.

“Якка дехқон” хўжаликларининг тугатилиши, ўртаҳол дехқонларга бўлган муносабатнинг 1933-йилги очарчиликнинг бошланишга сабаб бўлганлигини кўрсатиб беринг.

Ўзбекистон иқтисодий ва маънавий ҳаётининг 50-80 йилларда чуқур турғунлик ва бухронлик ҳолатларга дучор бўлиши ҳамда унинг асоратлари.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий ҳаёти 50-80-йиллар давомида чуқур турғунлик ҳолатига тушиб қолиши сабаблари очиб берилиши керак бўлади. Бунинг учун сиз юқорида кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда, бу йилларда совет жамияти бошидан кечирган турғунлик асоратларини ижтимоий-иктисодий. Сиёсий-маданий ҳамда маънавий-буйруқбозлик усули, унинг эскирган, ҳозирги ҳаёт тарзига жавоб бермай қолган волюнтаристик, субъективистик шакл, усуллари. Бу даврга тўла куч билан намоён бўлганлиги, бунинг оқибатида республика иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини тобора йўқотиб борганлиги, ўз ҳудудида фуқароларнинг туб манфаатларини кўзлаб мустақил фаолият юргизишдан мутлақо маҳрум бўлиши, ҳамма соҳада Марказий тобелик, мутеликнинг кучайиб бориши, пировардида маҳаллий партия ташкилотларининг эркин фаолият, ташаббус кўрсатишга ғов солиб, уларни лоқайдлик, бепарволик ва манқуртлик касалига маҳкум этилиши. Бунинг оқибатида Республика ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари ва тармоқлари юксалиш, ривожланиш ўрнига кўпроқ таназзул, депсиниш ва қолоқлик сари юз тутишини очиб беринг.

Иттифоқдош Республикалар орасида ўзининг улкан моддий-иктисодий имкониятлари, табиий бойликлари, интеллектуал кучлари, ажойиб меҳнатсевар фуқароларига эга бўлишига қарамай жуда катта тисарилиш, йўқотиш ва маҳрумликларга учраш даври бўлганлигини исботланг. 8-9, 10-11 беш йилликлар режа-топшириқлари сурункасига бажарилмаслиги, маҳаллий даромаднинг йиллар давомида ўсиши ўрнига тўхтовсиз пасайиб борганлиги, озиқ-овқат, халқ истемоли моллари. Саноат маҳсулотларининг етишмаслиги оқибати ва унинг асоратларини аниқланг.

Комфирқа ва Шўро ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган умумий қатоғонлик сиёсати ва унинг ижтимоий, маданий ҳайтга салбий таъсири.

Коммунистик партияning қаттиқ исканжаси, иқтисодиёт, сиёсат, маданиятни ўз тагига олиб эзиб ташлаганлиги, қабул қилинган барча қарорларнинг барчаси тор доирада қабул қилиниши ва бу қарорнинг бутун мамлакат учун мажбурий бўлиб қолганлиги, эркин баҳс мунозарларга барҳам берилиш сиёсатининг оқибатларини кўрсатиб беринг.

Демократияни бўғиш Конституцияда эълон қилган ҳақ-хуқуқларнинг оммавий равишида бузулиши, ўзбек ҳалқи бошига келган кулфатларни билиб олинг.

Маданий соҳта сталинча “сакраш”, жадаллаштириш Ўзбекистонда қисқа муддат ичида алифбомизни икки марта ўзгартирилиши (1929,1940 йилларда) республикамизда маънавий ҳаётига мислсиз зарар етказилганлигини очиб беринг. Умумий қатағонлик сиёсати оқибатида миллий давлат арбобларимизнинг миллитчиликда айбланиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муқобил йўлларни амалга оширишга уринган кишиларга “Гуруҳбозлик” айблари қўйилиши “Иноғомовчилик”, “18 лар гуруҳи”, “Қосимовчилик” деб номланган ишларнинг тўқиб чиқарилиши.

1929 йилда атоқли маърифатчи Мунаввар Кори Абдурашидхонов бошчилигидаги “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоларининг қамоқقا олиниши.

Йирик жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев (Рамз) Носир Сайдов, Маҳмуд Ходиев (Боту) Ҳосил Восилов, Собир Қодировларнинг ўлим жазосига хукум қилиниши. Ўзбек давлат арбобларида Файзулла Хўжаев, Ақмал Икромов ва зиёлилардан А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Қ.Алиев, Ш.Сулаймонов, М.Суфизода, А.Якубов, Миён Бузрук Солихов каби узбек ҳалкининг маънавий мулкига бебахо хисса кушган ижодкорларнинг йук килиниши. 50-йиллар бошларида ижодкор зиёлилардан Ойбек, М.Шайхзода, Шуҳрат, Шукурулло, Хамид Сулаймон ва бошқаларнинг таъкиб олиниши ва узбек ҳалкининг 80-йилларда миллий кадриятлари, урфодатларининг яна бир марта йук килиниши. “Пахта иши”, “Ўзбек иши” каби уйдирмаларнинг тукиб чиқарилишидан кузланган максадни очиб беринг

Юқоридаги масалаларни очиш учун сиз Узбекистоннинг янги тарихи 2-жилд, “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” деб номланган илмий оммабоп асадардан кенг фойдаланишингиз мумкин.

## **12-мавзу. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқич.**

Режа:

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши-ўзбек ҳалқи тарихидаги мислсиз тарихий воқеа.
2. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.
3. Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли. Т. “Ўзбекистон”, 1992.
3. Каримов И.А. Истиқлол йўли: Муаммолар ва режалар. Асарлар. 1-жилд. З-36 бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. “Ўзбе-кистон”, 1999.
5. Юсупов Э. Истиқлол йўлида. Т. “Фан” 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т. “Ўзбекистон”, 1992.
- 7.Faфуроv З. Тоғаев С. Мустақилликнинг маънавий заминлари. Қарши, 1994.

**Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши-ўзбек халқи тарихидаги мислсиз тарихий воқеа.**

Бу масала муҳокама қилишда авваламбор Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши тамон йўл тутишида 1989 йил 21 октябр “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши республикаси ижтимоий ҳаётида катта тарихий воқеа бўйлаб, у ўзбек халқининг миллат тарзидаги табиий қонуний хуқуқини тиклаш ва ҳаётга қайтаришда олға ташланган муҳҳим қадам эканлиги. Шу билан биргаликда мазкур қонунда кўрсатилганидек, республикада миллатлараро мулоқат тили сифатида рус тилида эркин фойдаланишининг сақланиб қолиши. Барча ташкилотларда иш юритилиши аста-секинлик билан босқичма-босқич ўзбек тилига ўтказа борилиши кўзда тутилганини билиб олинг. Бу Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи, шу халқ миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши шу билан биргаликда республикада миллатлараро ҳамжихатликнинг сақлаб қолиниши учун жуда катта аҳамиятга касб этганлигини алоҳида қайд қилиб ўтинг.

1990 йил 24 марта Ўзбекистон Олий Кенгаши 12- чақириқ XI сессиясида Ўзбекитонда Президентлик бошқаруви жорий этилганлиги, бу эса мамлакат давлат мустақиллигини қўлга киритиш йўлида дадил қадам эканлигидан далолат эди.

1990 йил 20 июнда Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган “Мусақиллик Декларацияси”нинг аҳамиятини кўрсатиб беринг.

1991 йил август ойигача Ўзбекистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимининг жорий этилиши- ҳокимлик лавозими, ижтимоий ва иқтисодий соҳани бошқариш оргенлари, солиқ инспекциялари ва бошқаларнинг ташкил этилиши мустақил давлатни эълон қилишга ҳозирлик эканлигини тушуниб етмоғимиз керак бўлади.

**Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.**

Бу масалани муҳокама қилганда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” ҳамда “Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар” асарларидан фойдаланган ҳолда мустақиллик

шароитида Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини аниқлаб олиш даркор, бунда чинакам сиёсий, иқтисодий мустақилликка эга бўлишга жаҳон ҳамжамиятига муносиб бўлиб киришга интилиши мустақиллик эълон қилинган биринчи кунлардан бошлабоқ ўзбек ҳалқи ва Республикадаги барча ҳалқларнинг кўп асрлик тажрибаси анъаналарини одамзод эришган барча маданиятлар билан пайваста қилиб бера оладиган ўз ривожланиш йўлларини зўр бериб машаққат билан қидиришга киришилганлигини тушуниб олишга эътибор беришингиз лозим.

Бу борада Ўзбекистоннинг мустақил ривожлантириш ғоясини ишлаб чиқаришга юртбошимиз И.А.Каримов улкан хисса қўшганлиги, бу ғоялар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI ва XII сессиялардаги нутукларда чуқурлаштириб берилганлигини билиб олинг.

Ўзбекистонда демократик, ижтимоий жиҳатдан адолатли тузум, жаҳон ҳамжамиятига муносиб ўринни эгаллайдиган ва жаҳон маданиятига салмоқли хисса қўшадиган тинчликсевар, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бой давлат барпо этишни ўзининг стратегик вазифаси деб билган жамиятни барпо этишга қаратилган умуминсоний сиёsat яратилаётганлигини аниқланг.

Бундай жамиятнинг асоси нималарда кўринади деган саволларгажавоб беришингиз шарт бўлади.

Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти.

Бу масала бўйича талаба мустақил давлатимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши миллий давлат, дунёвий ижтимоий тузумнинг қарор топишида Республика суверенитетини ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий руҳий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлганлигини ҳамда бу орқали жаҳон ҳамжамиятида суверен, демократик, ҳуқуқий давлат Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини ёритиш керак.

Конституция яратилишида бутун ҳалқимиз қатнашганлиги, бу БМТ ҳужжатлари, Инсон ҳуқуqlари Умумжаҳон Декларацияси, ҳалқаро ҳуқуқ қоидалари ва Конституция негизига асос қилиб олинганлиги тушуниб етмоқ даркор.

Конституциямиз таркиби ва энг асосий ғояси инсонни, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳаммадан юқори қўядиган умуминсоний тамойилларга асосланиб яратилганлигини билиб олинг.

Ўзбекистон Конституциясида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ва иқтисодиётнинг бозор талабларига қаратилганлиги мустаҳкамлаб қўйилгани, бу эса жамият муносабатларини уйғунлаштиришни кўзда тутувчи тамойиллар эканлигини аниқланг. Конституцияда ижтимоий хаёт либерализмининг мустаҳкамлан-ганлиги, кўпдан кўп жамоат бирлашмалари манфатларининг тан олганлиги, ҳар бир шахсни фаол иштирок этиши учун барча шараоитлар яратиб берилганлиги, виждан эркинлиги ва диний қадриятларнинг эътироф этилганлигини билиб олинг.

Давлат ҳокимияти тузулишининг ҳалқаро ҳамжамият томонидан ишлаб чиқилган демократик шаклларга ва энг аввало ҳокимиятларни Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва Суд ҳокимиятларига ажратиб ҳар бирининг

ваколатлари доираси ва ўзаро таъсир механизмлари белгилаб берилганлигини эсда тутиш.

Конституциясида эълон қилинган ижтимоий ҳаёт ва давлат ҳаётининг принциплари ва нормалари фуқароларнинг хукуқ ва эаркинликлари республикадаги барча миллат ва динлардаги кишилар ўртасида тинчлик, дўстлик, осойишталик, ишонч ва хамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш учун замин яратиб берадиган жаҳондаги энг адолатли демократик давлат Конституцияси эканлигини тушуниб етинг.

### **13-мавзу. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатлар ва бозор муносабатларининг шаклланиши.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларини шакллантириш томон йўл тутиши. “Ўзбек модели” ва унинг томойиллари.
2. Иқтисодий ислоҳотлар, унинг стратегияси, устувор йўналишлари ва босқичлари.
3. Бозор инфратузилмасини шакллантириш. Республика иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар.
4. Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсати ва унинг жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашдаги роли.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. “Ўзбекистон”, 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997. 188-211 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Асрлар З-жилд. Т. “Ўзбекистон”, 1996, 175-366 бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон”, 1999.
5. Усмонов Қ. Фаниев Д. Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. Т. 1995.
6. Усмонов Қ. Шарипов Ш. Ва бошқалар. Ўзбекистон- сиёсий ва хукуқий ислоҳотлар сари. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
7. Баркамол авлод Ўзбекитон тараққиётининг пойдевори. Т. “Шарқ” 1997.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларини шакллантириш томон йўл тутиши. “Ўзбек модели” ва унинг томойиллари.

Мустақиллик эълон қилиниши билан Ўзбекистон бозор муносабатларини шакллантириш йўлида киришганлиги ва бу йўл конституцияда ўз ўзини топганлигини аниқланг.

Республика иқтисодиётининг дастлабки давридаги аҳолининг турмуш даражасини хисобга олиб ва халқаро тажрибага ҳамда Республикасининг

ўзидаги таббий ресуслар, хом ашё ва меҳнат ресусларига таяниб туриб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос, мустақил йўли ишлаб чиқилиши иқтисодиётнинг И.А.Каримов томонидан олдинга сурулган қоидалари:

Бозор иқтисодиётига босқичма- босқич ўтиш:

Иқтисодий сиёсатини жамият манфаатларини қўзлаб амалга ошириш (кам таъминланган оиласларни ижтимоий доир чора- тадбирлар):

Ўтишдаврида давлатнинг тартибга солувчилик роли:

Қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ бўлган қайта ишловчи саноат соҳаларини ривожлантириш:

Бозор қурилмасининг қарор топиши ва изчил суратда ривожланиб боришига хар томонлама ёрдам кўрсатинг.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шарти тариқасида иқтисодиётнинг мустақил фаолияти кўрсатиб боришни таъминлаш.

Ўзгарувчан бозор шароитларида меҳнат қилишга қодир бўлган юқори малакали қадрларни етиштириш каби масалалар очиб берилсин.

Шўро империяси давридаги мустабид ва манфурлашган тизимда, Ўзбекистон ўз тараққиёти йўлини ишлаб чиқищдан, ўз ватанида ислоҳатлар қилишдан у жаҳон ҳамжамиятидан, тараққий топган мамлакатлардан, ижтимоий хаётнинг барча соҳаларида орқада қолди. Ўзбекистон бир ёқлама мажрух бесўнақай иқтисодиётни мерос қилиб олди.

Хозирги кунда тараққиётнинг “Ўзбек модели” бутун обрўли халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари томонидан тан олинмоқда. Энг асосийси ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламоқда.

“Ўзбек модели” якуни шуки, иқтисодиётга ортиқча тус берилмади, уни мафкурадан ҳоли этилди. Иқтисодий ислоҳатларини ўтказишида давлатнинг роли кучайтирилди, бозор муносабатларига ўтиш одамлар ўзгартириш билан боғлиқ ҳолда, аста-секин содир бўлди, иқтисодий ислоҳатлар кучли ижтимоий сиёsat билан қўшиб олиб борилди, бу эса ижтимоий кескинликнинг олдини олишга олиб келди. 1996 йилга келиб саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ошиди. Ислоҳатларнинг хуқуқий асоси яратилди. 1994 йилда миллий валюта жорий қилинди. 1997 йилдан Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларнинг З- босқичига кирди. 1997 йилда хусусий кичик корхоналарнинг сони 100 минг, дехқон хўжаликларининг сони 19,5 мингдан ошиб кетди.

Булар мулкдорлар синфнинг шаклланишига имконият яратилганлиги демакдир.

Иқтисодий ислоҳотлар, унинг стратегияси, устувор йўналишлари ва босқичлари.

Бу масалани ёритишида маъруза ва кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган иқтисодий ислоҳатлар, унинг стратегияси, устувор йўналишлари ва уларнинг босқичма-босқич амалга оширилганлигини исботлаб беринг. Бунда бозор муносабатларини хуқуқий жиҳатдан маъминловчи қонунлар, меъёрий хужжатлар мажмуини яратилиши

очиб беринг. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали қўп укладли иқтисодиётнинг барпо этилиши ва ниҳоят мулкдорлар синфини шакллантириш йўлида олиб борилган сиёсатни тушунтириб беринг.

Бу борада Конституциямиз мулкчиликнинг хилма хил шакллари ва иқтисодиётнинг бозор талабларига қаратилганлигини мустаҳкамлаб қўйилганлиги, уйғунлаштиришни қўзда тутилганлиги, хусусий мулкнинг тан олиниши бу эса ўз навбатида инсон ижтимоий- иқтисодий ҳуқуқ эркинликларини чинакам амалга оширилишининг кафолати эканлигини билиб олинг.

**Бозор инфратузилмасини шакллантириш. Республика иқтисодиётида юз  
бераётган таркибий ўзгаришлар.**

Мустақиллик туфайли бозор инфратузилмасини шакллантириш учун имкониятлар қўлга киритилганлигини, бу орқали инвестициялашнинг давлат томонидан рафбатлантирилиши моҳияти бунинг самараси сифатида Республика изда ёқилғи мустақиллигининг таъминланганлиги, бу борада Бухоро нефтини қайта ишлаш заводининг бунёд этилиши, кончилик саноатини ривожлантириш бўйича “Зарафшон-Ньюмонт”, замонавий автомобиль ишлаб чиқариш бўйича “УзДЭУ авто” Ўзбекистон – Корея қўшма автомобиль заводининг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожида қўйилган дастлабки қадам эканлигини исботланг.

Мустақиллик шароитида аграр ислоҳатлар ўтказилиши натижасида қишлоқда мулкий муносабатларнинг ўзгариб бориши. Бу борада дехқон фермер хўжаликларининг вужудга келиши қишлоқда бозор инфра тузилмасини яратишдаги дадил қадамлар эканлигини исботланг. Бу борада ғалла мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни эсда тутинг.

**Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсати ва унинг жамият  
ижтимоий барқарорлигини таъминлашдаги роли.**

Мустақиллик эълон қилингач Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш давр талабига айланди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар кескинлашади, бу эса миллий хавсизликка, фуқаролар тинчлиги ва барқарорлигига хавф солиши мумкун. Ижтимоий ҳимоя бу глобал муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш учун 1992 йилдан бошлиб кучли, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш модели шаклана бошлади. Бу модел МДҲ аъзо бўлган давлатларга қараганда ўзининг авзаллиги билан ажратиб туради.

И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлар ва тараққиёт кафолатлари” асарида ижтимоий зиддиятлар келтириб чиқарадиган сабаблар кўрсатилган, булар ижтимоий зиддиятлар ўз моҳиятига кўра ҳамиша сиёсий тус олиши, стихияли портлашлар, фуқоралар уришини келтириб чиқариши, одамларнинг моддий

аҳволини ёмонлашувига олиб келиши, бозор муносабатига ўтиш енгил, ижтимоий қийинчиликларсиз осон кечмаслиги асослаб берилган.

Маълумки, мустақил Ўзбекистон эски тузумдан-хусусий мулкни тан олмаслик мафкурасини, моддий бойликларни марказдан туриб тақсимлаш иллатларини, сохта тенгликни, коррупцияни одамларнинг оғир моддий аҳволини, ишсизликини, “ўтмишни қумсаш кайфиятлари”, одамлар норозилигига озуқа берувчи шовинизм ва сохта ватанпарварлик эскича тафаккурни мерос қилиб олади.

Ўзбекистон ана шундай оғир вазиятда ижтимоий муаммони ҳал қила олди. Бу муаммони ҳал этишда Республиканинг ўзига хос, ўзига мос хусусиятлари, хусусан маданияти, урф-одатлари, анъаналари, демографикхолати, 2 миллион кўп болали оналар, 2,5 миллион нафақаҳўрлар ва бошқалар ҳисобга олинди, ижтимоий адолатлилик тамойилига риоя қилинди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида иқтисодиёт эркинлаштирилмади, истеъмол молларининг нархлари қўйиб юборилмайди. Аҳолининг ҳаддан ташқари қишлоқлашувига тенгсизликка йўл қўйилмайди. Чунки, табақалар ўртасида катта фарқ бўлса у ҳолда ижтимоий барқарорлик учун хавф туғулади. Бу сиёsat бошқа давлатлар, сиёsatидан ўз авзаллиги, самарадорлиги билан ажralиб турганлигини тушуниб олинг. Бу адолатли сиёsat аҳоли ижтимоий бирдамликни таъминлаб берди. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширилиши демократик ва иқтисодий ислоҳатларни муваффақиятили амалга оширилганлигининг: уларнинг орқага қайтмаслигининг жуда муҳим шарти ва гарови эканлигини билдириди.

Ўзбекистонда ногиронлар ёлғиз оналар, етим болалар, кексалар, камбағалларга давлатимиз алоҳида эътибор бераётганлигини, бу эса давлатимизнинг ижтимоий негизини, унинг барқарорлигини таъминлашда муҳим кафолат эканлигини асослаб берилганидир.

Мамлакатимизда “Аҳолининг турмуш даражаси, ўсиши шароит ва ишончли кафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора ортиб бормоқда”, - деб ёзган эди юртбошимиз И.А.Каримов.

#### **14-мавзу. Миллий истиқлол ғояси унинг моҳияти, тарихий илдизлари ва аҳамияти.**

**Режа:**

1. Миллий истиқлол мафкураси мустақиллигимизнинг зарурий эҳтиёжи сифатида.
2. Миллий истиқлол мафкурасининг вазифалари.
3. Миллий истиқлол мафкураси-жамиятимизнинг тараққиёт дастури.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Асарлар.1-жилд. Т. “Ўзбекистон”, 1996.

2. Каримов И.А. Миллий мафкура ҳақида. Т., “Ўзбе-қистон”, 2000.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., “Ўзбекистон” 2000.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон” 1992.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон” 2000.
6. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., “Шарқ” 2000.

**Миллий истиқлол мафкураси мустақиллигимизнинг зарурий эҳтиёжи сифатида.**

Маълумки Ўзбекистон собиқ итфоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилган эди. Табиийки, айнан Ўзбекистон халқи биринчилардан бўлиб жамиятда юз берадиган кескин сиёсий ўзгаришлар ва қандайдир ғоявий тушунмовчиликларга дуч келиб, бир мунча гангиб мафкуравий бўшлиқ ҳолатига дуч келдилар. Республикамиз ичкарисида ва ташкарисида турли сафсаталар, ҳатти -ҳаракатлар, “ғоявий” курашлар, “хонаки” ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Илгари бир маромдаги турмуш ва бир қолибдаги фикрлаш тарзи бузулиб, саросималик, тўқнашувлар, ваҳима ва парокандалик кайфияти кучая борди. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфатларига мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, бунинг учун эса мафкуравий яккахокимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақалари қатламларини, талаб эҳтиёжларини, маънавий руҳий чанқоқлигини қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш тарихий зарурат бўлганлигини талаба онгига етказинг.

Янгича шароитда Республикамиз мафкуравий ақидаларга ва бир қолипдаги сафсатабозликка бўйсунадиган, инсон халқ, жамият манфатларига путур етказадиган сиёсий мафкуравий ва давлат тузулмаларидан воз кечиб, ижтимоий адолатни, хафсизлик, ижтимоий муҳофазани, миллатни, дини, эътиқодидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилувчи мафкура яратилиши томон дадил қадам ташлаётганини такидлаб ўтинг.

**Миллий истиқлол мафкурасининг вазифалари.**

Ушбу масалани теранроқ ёритиш учун сиз Президентимиз И.А.Каримовнинг 1992 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўнинчи сесиясида қилган маъруза материалларидан фойдаланишингиз мумкун. Чунки И.А.Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга, оширган, эски ақидалардан ҳоли бўлиш зарурлигини, шу асосида миллий истиқлол мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва уни куннинг долзаб вазифаси қилиб қўйди. Ўз маърузасида Президентимиз бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган ижтимоий онг, ижтимоий руҳият масаласига катта эътибор берди. И.А.Каримовнинг “Бугунги кунда ҳалқни яқдил қиласиган

ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида улуғи, энг олижаноби - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло ҳор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!”, деган сўzlарига талабалар муносабатини билинг.

**Миллий истиқлол мафкураси-жамиятимизнинг тараққиёт дастури.**

Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистоннинг мустақиллика эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий, бадий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий курол, барча тоифа кишиларни шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил эканлигини талабалар онгига етказинг.

Халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос ғоялар асосида одамлар онгига келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат,adolat, маърифат туйғуларини сингдириш, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида, илғор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш ҳиссини тарбиялаш, соғлом маънавий бой авлодни шакллантириш Миллий истиқлол мафкурасининг асосий моҳияти эканлигини ургуланг.

## **15-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва роли.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар ташқи сиёсати асосларининг яратилиши ва унинг тамойиллари.
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши.
3. Ўзбекистон ва жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари кенгайиб бориши.
4. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари. Минтақада ягона иқтисодий макон яратиш йўлида.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза, 1993 йил 28 сентябр, асрлар 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизллика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 296-324 бетлар.
3. Ахмедов Э. Сайдаминов З. Ўзбекистон Республикаси қисқача маълумотнома. Т., “Ўзбекитон” 1995.
4. Ватан туйғуси. Т., “Ўзбекистон”, 1996.

5. Левитин Л. Карлайл Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекстон Президенти. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
6. Усмонов Қ. Содиков М, ва б, Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т., “Ўқитувчи”. 1996.

**Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар ташқи сиёсати асосларининг  
яратилиши ва унинг тамойиллари.**

Талаба биринчи саволга жавоб берганда ўз диққат эътиборини мустақил Ўзбекистонни халқаро субъекти сифатида белгилайдиган, унинг ташқи сиёсий ва иқтисодий аолқаларини тартибга соладиган кенг кўламли халқаро ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратиб берадиган қонунлар асосида олиб борилишига қаратади.

Ўзбекистоннинг бой табиий хом ашё заҳарлилари халқнинг ақлзаковати, маънавий имкониятлари, унинг жуғрофий ўрни дунёда жуда катта жуғрофий- сиёсий ва жуғрофий – стратегик қизиқиш уйғотиши, бу эса огоҳ ва хушёр бўлиши, ўз мустақиллигимизни сақлаб қолиши ва мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўзбекистон тинчликсевар давлатдир. У хеч бир давлатнинг ички ишларига аралашмайди, барча ҳарбий-сиёсий можороларни тинч йўл билан ҳал этишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб- қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб- қўвватлади.

Ўзбекистон БМТ, EXXT байроғи остида тинчликни қўллаб - қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ҳар қандай тадбирларда иштирок этишга тайёр.

Айни вақтда у Кўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси сифатида бирон бир ҳарбий блокда қатнашмайди, хусусан МДҲ ҳудудида ҳарбий- сиёсий блокни шакллантириш талабларини рад этади.

1995 йилнинг июл ойида Ўзбекистон НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастурига” қўшилиб колектив ҳавфсизликни таъминлаш мақсадди билан ҳамкорлик қилишда қатнашади.

Ўзбекистон чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзининг икки томонлама ва қўп томонлама ҳамкорлигини кенг ривожлантириш сиёсатини олиб боради.

**Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг  
ортиб бориши.**

Талаба бу саволга жавоб беришда Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланишга ўтган даврда суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, халқаро муносабат-ларнинг teng ҳуқуқли субъекти бўлиб қолганини у жаҳон майдонига чиқиб олганини таъкидлаш лозим. Бу жаҳоншумуд тарихий аҳамиятга молик ғалаба ҳисобланади. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро сиёсатда мустақил қатнашадиган бўлиб хлқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлди, у хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ва teng ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида қуидаги принцпларга амал қилиб келмоқда.

Ўзаро манфатли ҳар томонлама хисобга олган ҳолда давлат миллий манфатларининг устунлиги:

Тенг хуқуқлилик ва ўзаро манфатдорлик бошқа давлатлар ички ишларга аралашмаслик:

Мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик:

Халқаро хуқук нормаларининг давлат ички нормаларидан устиворлиги:

Ташқи алоқаларни икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ҳозирги илмий-техникавий асрда бир мамлакат биргина ўз кучи, ўз бойлиги билан ўз-ўзини таъминлай олмайди, бу эса мамлакатлардан ўзаро манфатли интеграцияни ривожлантириши талаб қилишни билмоқ лозим. Ўзбекистон халқаро майдонга чиқиши ва хорижий мамлакатлар билан иқтисодий-савдо алоқаларини ривожлантириш, қўшма корхоналар қуриш, турили шартномалар, битимлар тузиш орқали интеграция жараёнларида қатнашади ва бу жараёнда “бир давлат билан яқинлишиш ҳисобга бошқасидан узоқлашмаслик принципига амал қиласди”. Иқтисодий интеграция озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмаслигимизни, Ўзбекистоннинг бирон бир давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолмаслигини таъминлаши зарурлигини талаба тушуниб етмоғи лозим.

Ўзбекистон ва жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари кенгайиб бориши.

Ўзбекистон 1992 йилдан БМТ тартибига кириб, бошқа мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириб бераётганлиги, у энг йирик банк ва молия ташкилотлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб, ўз хавфсизлигини таъминлаш йўлидан бораётганини талаба фаҳимлаш лозим. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда нуфузли ошиб боришда юртбошимизнинг 1993 йил 28 сентябр БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиб ундаги нутқида Ўзбекистонни танитганлигини таъкидлаш лозим.

1995 йил 24 октябрда И.А.Каримов БМТ 50 йиллиги муносабати билан сўзлашган нутқи аҳамиятини очиб беринг.

Президентимизнинг 1992 йил 26 февралда Хельсинки ҳужжатига имзо чекиши Халқаро қабул қилинган нормаларга бўйсуниши, амал қилинган асос солганилигини тушуниб олинг.

1996 –1997 йилларда Европа Иттифоқи билан Европалда Хавсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ЕХХТ ва НАТО каби халқаро ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйилиши Республикамиз хавфсизлиги ва ҳамкорлиги тараққиётини таъминловчи муҳим омил эканлигини билиш зарур.

1996 йил декабрда Лиссабон шахридаги анжуманда ЕХХТ билан муносабатларни ривожлантиришдаги жараён салмоқли бўлганлиги, чунки унда И.А.Каримов ЕХХТ нинг Ўрта Осиёдаги фаолиятини кучайтиришга оид таклиф киритганлигини ва бу эса унинг яқунловчи хужжатга кирганлигини билиб ойлش шарт.

Ўзбекистон билан манфатли алоқаларни олиб боришга интилган барча Шарқ мамлакатлари билан сиёсий алоқаларни кучайтириш “Уз ДЭУ авто”, “Қабул – Тўйтепа текстил”, Қарши тўқмачилик мажмуи “ЎзБАТ”, “Ўз Италмотор”, “Ўзсаламан”, “Зарафшон-Ньюмонт”, “Оммон Тоз Глж филда” каби ва бошқа қўшма корхоналарнинг муваффақатини талабалар билан олмоғи зарур.

Ўзбекистон МДҲга аъзо мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг хуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш тарафдоридир.

**Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари.**

Минтақада ягона иқтисодий макон яратиш йўлида.

Талаба шу саволга жавоб бериши учун И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарларнинг 320-323 бетларидан Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари даражасидаги интеграцияга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки “Бу интеграция ўз моҳиятини кўра ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб келмоқда. Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу халқларни мустақилликни қўлга киритиш, мустақил давлат тузиш ғоялари бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан асрлар давомида яшаб келганлар”. (300 бет).

Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида интеграция объектив заруратdir. Чунки бу минтақадаги худудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларини биргалашиб ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжларидан келиб чиқди. Худди шу боисдан 1993 йил 3-4 январда Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида И.А.Каримов Марказий Осиё ҳамкорлигини вужудга келтириш, 1995 йилда эса “Туркистон умумий уйимиз” шиорини илгари сурди. Агар 60 миллион аҳолиси бўлган Ўрта Осиё мамлакатлари ташқи кучларнинг қаршилигига қарамай анъанавий ўзаро интеграция йўлидан борсалар, у ҳолда Марказий Осиё халқлари ўзларини- ўзлари барча саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, ортиқча маҳсулотларини жаҳон бозорда сотишга ва муносиб ижтимоий турмуш фаровонлигига эришадилар.

Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон, ягона иқтисодий сиёсат олиб борилар экан, мудофаа сиёсатларимиз уйғунлашар экан, бу иминтақавий интеграциялашув жараёни ижтимоий тараққиёт талабларига ҳам, минтақа халқларининг манбаатларига ҳам тўла мос тушади. Бу интеграция ташқаридан бўладиган таҳдидиларга биргаликда қарши

курашишга, тамоман мустақилликни сақлаб қолишига, ҳавсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўларди. Шу маънода Президентимиз И.А. Каримовнинг “Марказий Осиё ҳамдўстлиги ўртасидаги интеграция бу XXI асрда бизнинг мустақиллик ва тарақкиёт йўлиниздир” деган сўзларининг мағзини чақинг.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Кафедра мудири\_\_\_\_\_  
“\_\_\_\_\_” 2007 й.

“Ўзбекистон тарихи” фанидан назорат турлари ва шакллари бўйича

**БАЛЛАР ТАҚСИМОТИ**  
1 ёки 2 - семестрда ўтказилади

Назорат тури	Назорат шакллари	Ҳар бир назорат учун белг. Макс.балл	Назоратлар сони	Назорат шакллари бўйича белгиланган макс.балл
Жорий назорат (ЖБ)	1. Оғзаки сўраш ва дафтар Юритиш	5	1	5
	2. Оғзаки сўраш ва дафтар Юритиш	5	2	10
	3. Оғзаки сўраш ва дафтар Юритиш	5	2	10
	4. Оғзаки сўраш ва дафтар Юритиш	5	2	10
	5. Оғзаки сўраш ва дафтар Юритиш	5	2	10
<b>Жами:</b>	-	-	<b>9</b>	<b>45 балл</b>
Оралиқ назорат (ОБ)	1. Ёзма иш ва тест	$5 \times 3 + 5$	2	20
	2. Ёзма иш ва тест	$5 \times 3 + 5$	2	20
<b>Жами:</b>	-	-	<b>4</b>	<b>40 балл</b>
Яқуний назорат (ЯБ)	1. Ёзма иш	15	1	15
<b>Ўаммаси:</b>	-	-	<b>14</b>	<b>100</b>

Кафедранинг 2007 йил \_\_ \_\_\_\_\_ ги йиғилишидаги \_\_ - сонли қарори билан тасдиқланган.